

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма хуқуқида
УДК: 658: 338+330.3 (575.1)

БОБОЖНОВА УМИДА МАНСУРОВНА

**РЕАЛ СЕКТОРДА ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(ТИФ Миллий банки, Банклараро ҳисоб-китоб маркази
маълумотлари асосида)**

5А340102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**магистр академик даражасини олиш учун
ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., доц. Исаков М.Ю.**

ТОШКЕНТ – 2017

Мундарижа

КИРИШ.....	3
1-БОБ. Реал секторда иқтисодий nochор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг назарий ва услубий асослари.....	12
1.1. Реал секторда иқтисодий nochор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	12
1.2. Реал сектор корхоналари фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг хукукий - меъёрий асослари.....	20
1.3. Реал сектор корхоналари молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонлари.....	33
Биринчи боб бўйича хulosалар.....	39
2-БОБ. Реал секторда иқтисодий nochор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг амалий ҳолати таҳлили (ТИФ Миллий банки мисолида).....	41
2.1. ТИФ Миллий банки тавсифи ва фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлили.....	41
2.2. ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолияти ва балансга олинган иқтисодий nochор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳолати таҳлили.....	58
2.3. ТИФ Миллий банки балансига олинган иқтисодий nochор корхоналар фаолиятини молиявий согломлаштириш жараёнларининг таҳлили.....	72
Иккинчи боб бўйича хulosалар.....	83
3-БОБ. Иқтисодий nochор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	84
3.1. Иқтисодий nochор корхоналарни фаолиятини молиявий соғломлаштиришда корхонани реструктуризация қилиш ва молиявий даромадларни ошириш усулларини қўллаш.....	84
3.2. Корхоналарда инқирозга қарши бошқариш жараёнини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари.....	92
Учинчи боб бўйича хulosалар.....	104
Хulosса ва таклифлар.....	105
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	98

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мақсади мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантириш эвазига аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларга муносиб ҳаёт даражасини яратишга қаратилган. Ушбу мақсадни самарали амалга оширишда мамлакат иқтисодиётида мавжуд ҳар бир корхонанинг барқарор ишлашига боғлик.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, очор корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестициялар киритиш тижорат банкларининг устивор йўналишидир. Инвестицион маблағларнинг базавий тармоқларга изчил оқими, айтиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатларини прогноз қилинган кўрсаткичларда бажарилишини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай

инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган. ”-деб таъкидлаб ўтилди¹.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оиддавлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017 — 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади².

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мана қўплаб йиллардирки, мамлакатнинг энг йирик кредит ташкилотлари орасида муносиб ўринни эгаллаб келмоқда.

Банк томонидан ишлаб чиқилаётган кредитлаш дастурлари миллий саноатнинг асосий тармоқларини – тараққиёти бутун мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасига ижобий таъсир қўрсатувчи ўша “ўсиш нуқталари»ни қамраб олади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ТИФ Миллий банки фаолиятига алаҳида эътибор берилиб, “мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли тажриба лойиҳаси тариқасида

¹Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

²Ўзбекистон Республикаси Президентинин г“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

Миллий банк мисолида қуидаги тизимни жорий этиш бўйича таклиф киритаман. Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак.”-деган вазифалар қўйилди³.

Тижорат банкларини зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси ўзини тўла оқлади. Тижорат банкларининг молиявий, ташкилий имкониятларидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда кенг фойдаланиш механизми янгилик бўлиб, дунё банк тажрибасида қўлланилмаган эди. Ушбу усулга кўра, тижорат банклари банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдолари орқали сотиб олдилар; бунда банклар ўз балансига олган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилдилар; кейинчалик банклар мазкур корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сота бошладилар.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш механизми янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш баробарида, банкротлик туфайли хизматчиларга ўз вақтида берилмаган ойлик маошларни, таътил пулларини қоплаб беришдек муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳам бажарди.

Бунда иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган янги корхоналарнинг активларини самарали бошқариш учун етакчи тижорат банклари базасида ташкил топган “NBU Investment”, “NBU Invest Group”, “Asaka Investments”, “Agroinvest Recovery” ва “PSB Industrial Investments” бошқарувчи компаниялари ва алоҳида таркибий бўлинмаларининг хизмати катта бўлди. Улар ушбу жараёнда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва

³Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

бевосита бошқариш, маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, гаров мулкидан самарали фойдаланиш, бизнес-режалар тузиш, лойиҳавий молиялаштириш ва инвестицион кредитлар ажратиш ва хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби йўналишлар бўйича муҳим тажриба орттиридилар.

Таъкидлаш ўринлики, тижорат банклари балансига қабул қилинган корхоналар фаолиятини тиклаш ва уларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйища ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлар – иқтисодий ночор корхоналар негизида янгидан ташкил корхоналар рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 3 йилгача қўшилган қиймат солиғи, молмулк солиғи, ер солиғи, даромад солиғи ва ягона солиқдан озод этилганлиги, ушбу солиқ имтиёзларининг янги мулкдорларга ҳам 3 йилгача амал қилиниши ижобий самара берди.

Албатта, Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бундай корхоналар негизида янгидан ташкил этилаётган корхоналарда қўшимча иш ўринларини яратиш ва инвестицияларни киритиш каби ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг назарий жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва буларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, биз томондан танланган диссертация ишининг долзарблигини билдиради.

Тадқиқот обьекти ва предметининг белгиланиши. Диссертациянинг обьекти Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини молиявий согломлаштириш жараёнлари ҳисобланади. Диссертацияда ТИФ Миллий банки нинг 2013-2016 йиллар учун ҳисбот маълумотларидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар

фаолиятини молиявий согломлаштириш фаолиятига таъсир этувчи омиллар, уни юксалтириш йўналишлари диссертациянинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади реал секторда иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқишидир. Ишнинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда унинг олдига қуидаги вазифалар қўйилади:

- Реал секторда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Реал сектор корхоналари фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг хуқукий - меъёрий асосларини ёритиш;
- Реал сектор корхоналари молиявий-иктисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини ўрганиш;
- ТИФ Миллий банки тавсифи ва фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлилини олиб бориш;
- ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолияти ва балансга олинган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳолатини таҳлил қилиш;
- ТИФ Миллий банки балансига олинган иктиносий ночор корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш жараёнларини ёритиш;
- Иқтисодий ночор корхоналарни фаолиятини молиявий соғломлаштиришда корхонани реструктуризация қилиш ва молиявий даромадларни ошириш усулларини қўллаш йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Реал секторда иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш, реал секторда иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг амалий ҳолати таҳлилини олиб бориш, иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини

аниқлаш тадқиқотнинг асосий масалалари хисобланади. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши ТИФ Миллий банкида иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштиришни тъминлаш бўйича ташкилий-иктисодий механизмни такомиллаштирилишига кўмаклашади.

Мавзуу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Реал секторда иқтисодий начор корхоналарнинг иқтисодий барқарорликни тъминлаш жараёнларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мазмуни ва жиҳатлари Э.Дюргейм, М.Вебер, С.Вебра, Л.Пай, Е.Е.Румянцева, Р.Нуреев каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁴. Инвестиция фаолиятининг турли жиҳатлари ҳамда тижорат банкларидағи инвестиция қарорларини қабул қилиш масалалари Р. Брейли, А.В. Мертенс, И.А. Бланк, В.В. Бочаров, Н. Леонтьев, М.И. Кныш, В.Т.Золотогоров, К.В. Кочмода, Н.В. Игошин каби чет эл ва россиялик олимлар томонидан ўрганилган.

Узвий равишда мазкур масалалар Г.К.Сайдова, Б.Ю.Ходиев, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Фафуров, Х.П.Абулқасимов, А. Ортиқов, Э.Х. Махмудов, Н.Т. Абдукаримов, А.В.Ваҳобов, А.Ш.Бекмуродов каби олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган⁵. В. Котов,

⁴Дюргейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. - Л.; М., 1991; Вебер М. Политика как признание профессия//Антология мировой политической мысли: в 5 томах: Учебное пособие. -М., 1997; Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. 3-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008. – VI, 826 с.; Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru>.

⁵ Сайдова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг ўйлари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В. Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чукурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи ўйлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. Абулқасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. –Т.: Молия, 2010. - 84 с. А. Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010й., 299 бет.; Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005, – 208 б.; Maxmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalahtirish. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, – 160 б.; Н.Т. Абдукаримов ва бошқалар. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Илмий монография Т.: “Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси”. НУ. 2010. – 256 б.; А.В.Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.; Б.Ю.Ходиев,А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг ўйлари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.; Б.Ю.Ходиев,А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор

Д. Фозибеков, И. Бутиков, М. Хамидуллин, С. Абдуллаева, Ф. Хамирова, Ф. Юлдашев, Ш. Шохъазамий каби бир қатор Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам инвестиция соҳасини фаол ўрганган.

Бу илмий изланишларда олимларнинг асосий эътибори инвестиция миқдорини қўпайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, таркибий устиворликлар, минтақавий хусусиятлар ва бошқа муаммоларга қаратилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот жараёнида тадқиқ этишнинг диалектик, илмий абстракция, математик, статистик усулларидан, гуруҳлаш ва қиёсий усулларидан фойдаланилди. Диссертация ишининг услугбий асослари бўлиб Президент асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида олдинга сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар хизмат қиласиди. Шуниндек, таҳлилларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа идораларнинг меъёрий хужжатларига, корхонанинг охирги уч йиллик ҳисобот материалларига асосланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган реал секторда иқтисодий начор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш йўналишлари юзасидан илмий тавсиялардан корхоналарда молиявий соғломлаштириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, хусусан, ривожлантириш дастурларини тузиш ва амалга оширишда, ТИФ Миллий банкида инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, худудий

мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маъruzаларини ўрганиш бўйича Ўкув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.;

ҳокимиятларининг саноатни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини яхшилаш борасида ишлаб чиқиладиган дастурларида ҳамда олий ўқув юртларининг шу йўналиш талабаларини ўқитишида фойдаланиш самарали ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар, таҳлилий маълумотларни “Индустрисал иқтисодиёти”, “Инновация иқтисодиёти” каби фанларни ўқитиши жараёнларини услугубий таъминлашда қўллаш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий ишнинг тайёрлаш ва мавжуд муаммоларни ўрганиш ва сабабий боғлиқликда таҳлил қилиш давомида қўйидаги янгиликларга эришилди:

- реал секторда иқтисодий начор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг нинг назарий ва услугубий асослари умумлаштирилди ва тавсифланди;
- реал секторда иқтисодий начор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг амалий ҳолатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар даражасига баҳо берилди;
- иқтисодий начор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий ўналишлари асослаб берилди;

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, унинг асосий мазмунини ифодаловчи учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети, назарий ва услугубий асослари, амалий аҳамияти ва бошқалар баён этилган.

Диссертациянинг асосий қисмининг биринчи боби ”Реал секторда иқтисодий начор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг назарий ва услугубий асослари”да: реал секторда иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари; реал сектор корхоналари фаолиятини молиявий

соғломлаштиришнинг хуқуқий - меъёрий асослари; реал сектор корхоналари молиявий-иктисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонлари ўрганилган.

Ишнинг иккинчи боби ”Реал секторда иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг амалий ҳолати таҳлили (ТИФ Миллий банки мисолида)”да: ТИФ Миллий банки тавсифи ва фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлили; ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолияти ва балансга олинган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳолати таҳлили; ТИФ Миллий банки балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини молиявий согломлаштириш жараёнларининг таҳлили ёритилган.

Ишнинг учинчи боби “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари”да: иқтисодий ночор корхоналарни фаолиятини молиявий соғломлаштиришда корхонани реструктуризация қилиш ва молиявий даромадларни ошириш усусларини кўллаш; товар диверсификацияси асосида корхоналар молиявий- иқтисодий барқарорлигини ошириш; инвестицияларни жалб қилишни яхшилашда банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг хulosаса ва таклифлар қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида тегишли хulosалар чиқарилган ва уларнинг асосида саноатнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

I БОБ. Реал секторда иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг назарий ва услубий асослари

1.1. Реал секторда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва ўзига хос ҳусусиятлари

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва уларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бугунги кунда корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш, бу йўналишда давлатнинг иштирокини фаол таъминлаш, қонунчилик асосларни мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади.

Молиявий соғломлаштириш - корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш. Бошқача қилиб айтганда, корхоналар фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириш, уларда реструктуризациялаш жараёнларини жорий этиш, хўжалик - молиявий фаолиятини модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларининг мажмуи ҳисобланади. Корхоналар фаолияти молиявий соғломлаштиришнинг қуидаги усуллари мавжуд:

- хўжалик-молиявий фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириш;
- банкротлик таомилларини жорий этиш;
- корхонани ташқи инвесторларга сотиш;
- корхонани қайта таркиблаш;

- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини диверсификациялаш ва бошқалар.

Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг яна бир муҳим усулларидан бири бу банкротлик таомилларини қўллаш орқали амалга оширилади. Банкротлик таомиллари дейилганда “Банкротлик тўғрисида” ги Қоннунинг 28-моддасига мувофиқ қўйидагилар тушунилади.

Қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қўйидаги таомиллар қўлланилади: кузатув; суд санацияси; келишув битими; ташқи бошқарув; тугатишга доир иш юритиши.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қўйидаги таомиллар қўлланилади: келишув битими; тугатишга доир иш юритиши.

Кузатув - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар қўлланиладиган банкротлик таомили. Кузатув банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилган санадан эътиборан жорий этилади.

Кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан: мулкий ундирувлар бўйича ижро хужжатларини ижро этиш тўхтатиб турилади, иш ҳақи бўйича, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни, алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги, шунингдек ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишига қабул қилинган пайтга қадар қонуний кучга кирган суд хужжатлари асосида берилган ижро хужжатларини ижро этиш бундан мустасно. Хўжалик судининг аризани иш юритишига қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажрими ижро хужжатларини ижро этишни тўхтатиб туриш учун асос бўлади;

қарздор юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) унинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол- мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларини қондириш тақиқланади;

эмиссия қимматли қофозлари бўйича дивидендлар ва бошқа тўловларни тўлаш тақиқланади.

Муваққат бошқарувчи кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклиф этган номзодлар орасидан хўжалик суди томонидан тайинланади. Хўжалик судининг муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримида унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кўрсатилган бўлиши керак. Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Муваққат бошқарувчи қўйидагиларга ҳақли:

битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек қарздор томонидан қонун хужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёки ижро этилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақида хўжалик судига ўз номидан талаблар қўйиш; кузатув даврида кредиторларнинг талабларини бажаришга эътиroz билдириш; кредиторларнинг талаблари бўйича қарздорнинг тақдим этилган эътиrozлари асослилиги судья томонидан текширилишида иштирок этиш;

қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан муваққат бошқарувчининг розилигисиз битимлар тузишни тақиқлаш ҳақидаги, мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга бериш ҳақидаги, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш;

қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот ва хужжатларни олиш. Кузатув жараёнида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳакли.

Суд санацияси - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили. Суд санацияси хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида жорий этилади. Суд санацияси жорий этилган пайтда:

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади;

қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;

суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди.

Қарзни узиш жадвалига мувофиқ қондирилиши лозим бўлган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторнинг талаблари суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва микдорда фоизлар ҳисобланади. Бу фоизлар суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ва кредиторнинг талабини қаноатлантириш пайтигача, агар бундай

қаноатлантириш рўй бермаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиши бошлиш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтигача кредиторнинг талаблари суммасига қўшиб ёзилиши лозим. Кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санация килувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳарақатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришга ҳақли. Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздорнинг раҳбари вазифасини ижро этиши санация қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклашга ҳақли. Хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида ажрим чиқаради, бу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар қўмитасининг розилигисиз қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга, қарздор эса қуйидаги битимларни тузишга ҳақли эмас:

кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш, мазкур мол-мулкни хўжалик ширкатлари ҳамда масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида қўшиш ёки бундай мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар; заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолатлар бериш, талаб қилиш хуқуqlаридан ўзганинг фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини ишончли

бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимлар; агар муайян битимларни тузишдан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор бўладиган бўлса, айни ана шундай битимлар.

Санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар қарздорнинг битимларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш хукуқига эга. Санация қилувчи бошқарувчи қуидагиларга ҳақли: қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисида ва суд санацияси режасида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши ҳамда қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақида ахборот талаб қилиш; қарздорнинг раҳбаридан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини талаб қилиш; қарздор томонидан мол-мулкнинг инвентаризацияси ўтказилган тақдирда унда иштирок этиш; кредиторлар жорий талабларини қарздор ўз вақтида бажариши устидан назоратни амалга ошириш; қарздорнинг битимлари ва қарорларини келишиб олиш ҳамда мазкур битимлар ва қарорлар ҳақида кредиторларга ахборот тақдим этиш; қарздорнинг кредиторлар талабларини тан олиш ёки бундай талабларни аниқланган деб топиш учун асосларни тасдиқлаш бўйича ҳаракатлари ёхуд қарздорнинг кредиторлар талабларини кўриб чиқиш борасидаги ҳаракатсизлиги устидан хўжалик судига шикоят бериш; қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш; қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга ўтказиш, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чора- тадбирлар бекор қилинади; қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш

борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида құлланилиши мүмкін;

қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий түловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилади;

Ташқи бошқарув тугаганидан кейин пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий түловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня), шунингдек етказилган зарап суммалари ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда тўлаш учун тақдим этилиши мүмкін. Ташқи бошқарувчи раҳбарлик ваколатларини амалга оширади. Ташқи бошқарувчи қуидагиларга ҳақли: кредиторлар йиғилишини ҳамда кредиторлар қўмитасини чақириш; қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш; қарздор номидан келишув битими тузиш; ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун бошқа шахсларни уларнинг фаолиятига қарздор маблағларидан ҳақ тўлаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш; ўз вазифаларини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш; қарздорнинг шартномаларини бажариш рад этилишини маълум қилиш.

Қарздорнинг ташқи бошқарув жорий этилиши жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари миқдори кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар талаблари суммасининг йигирма фоизидан ортикроғини ташкил этган ҳолларда қарздорнинг янги пул мажбуриятларини келтириб чиқарувчи битимлар, ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимларни истисно этганда, ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан тузилиши мүмкін. Ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланганидан кейин бир ойлик муддат ичиде ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этиши керак.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятыни тиклаш юзасидан қуидаги чора-тадбирлар назарда тутилиши мүмкін: ишлаб

чиқаришниңайта ихтисослаштириш; норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш; дебиторлик қарзларини ундириш; қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш; қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш; учинчи шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятларини бажариши; қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш; қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш; қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш.

Кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш назарда тутилиши мумкин. Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган барча турдаги мол-мулки, шу жумладан ер участкалари, бинолари, иншоотлари, ускуналари, инвентари, хом ашёси, маҳсулоти, талаб қилиш хуқуқлари, шунингдек қарздорнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари (фирма номи, товар белгилари, хизмат қўрсатиш белгилари), унинг товарлари, ишлари ва хизматлари, қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ хуқуқлар ўзга шахсларга ўтказилади, бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган хуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно. Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилади, унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўланади. Баҳоловчи ташкилот кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан тасдиқланади. Ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат қўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли. Ким ошди савдосига қўйиладиган корхонани (бизнесни) сотища бошланғич нарх, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, корхонанинг мол-мулкини баҳоловчи ташкилот ўтказган баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланади. Корхонани (бизнесни)

сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қарздор тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши лозим.

Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан устав фондини кўпайтириш имконияти ташқи бошқарув режасига фақат зарурий қарорни қабул қилган қарздорнинг акциядорлари умумий йигилишининг илтимосномасига биноан, агар бу илтимоснома ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув тугайдиган санага камида олти ой қолганида юборилган бўлса, киритилиши мумкин.

Қарздор очик акциядорлик жамиятининг устав фондини унинг кўшимча акцияларини чиқариш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор кредиторлар йигилиши томонидан қабул қилинади. Агар қарздорнинг устав фондини унинг кўшимча акцияларини жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда эълон қилинган акцияларнинг қарздор уставида белгиланган миқдорини кўпайтириш қисмига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, унда қарздорнинг уставига фақат қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганидан кейин устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин бўлади.

1.2. Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг хукуқий асослари

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири - турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган

ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечикитириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш, зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин. Хусусан, 2015 йил давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-кувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Маълумки, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимида бошланиб, кўплаб ривожланган мамлакатларнинг молия тизимини ишдан чиқарган, кейинчалик иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳага сезиларли таъсир кўрсатиб, катта талофатлар етказган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози вужудга келишининг дастлабки палласидаёқ Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириш бошлаб юборилган эди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли асарида мазкур дастурда белгилangan қуйидаги комплекс чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган эди:

- 1) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

- 2) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташки бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;
- 3) қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;
- 4) электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;
- 5) жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш⁶.


Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон, қарор ва фармойишлар ҳамда уларнинг асосий мақсадларини қўйида кўриш мумкин.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди (1-расм).

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш,

⁶ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 31-34-б.

мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.



1-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлашнинг асосий йўналишлари⁷

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони, 2008 йил 28 ноябрь 4058-сон.

Асосий мақсади қуйидагиларни кўзда тутади:

- жаҳон молия-иктисодий инқизозииининг салбий оқибатларини бартараф этиш;
- иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиктисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш;
- аҳоли бандлигига кўмаклашиш;
- экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-куватлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 ноябрдаги Ф-4010 сонли “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиягини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар(кўмаклар) берилган. Жумладан:

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фарновонлигини янада юксалтиришдир» номли маъruzаларини ўрганиш бўйича Ўкув-услубий мажмуя. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

- Ушбу фармойишининг 2-банди асосида берилган имтиёзлар бўйича мол-мулк солиги суммасини корхона харажатларига киритмаслик;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонига мувофиқ, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш.

Юқорида қайд этилган меъёрий хужжат орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тутатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тутатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган⁸:

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фарновонлигини янада юксалтиришдир» номли маъruzаларини ўрганиш бўйича Ўкув-услубий мажмуя. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

- 1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;
- 2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;
- 3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштириди.

Реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, узоқ давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади.

Шунга қўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараённига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

- 1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;
- 2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;
- 3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштириди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий начор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра:

- тижорат банкларига банкрот корхоналар ёки улар мол-мулкининг берилиши, сотилиши, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларига киритилиши, шунингдек банклар томонидан банкрот корхоналар мол-мулки негизида янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;
- банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;
- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий хужжатлар орқали тижорат банклариға ҳам муайян имкониятлар берилган эди. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизида тижорат банкларининг корхона устав жамгармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклариға бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартериш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиши;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклариға сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисбот беришлари йўлга қўйилган.

Паст рентабелли ва иқтисодий начор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тијорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади.

2009 йилда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинган эди. Уларнинг 173 таси эса тијорат банклари балансига ўтказилиб, бугунги кунда тијорат банклари балансига ўтказилган 116 та иқтисодий начор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Булардан ташқари, ушбу йўналишда “Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акциядорлик-тијорат банки томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунгача 15 та банкрот корхонанинг мол-мулки банк балансига қабул қилинди. Танлов асосида инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан сотиб олинган “Балиқчитекс” қўшма корхонаси ва “Балиқчитексит” очиқ акциядорлик жамияти, банк кредитлари бўйича қарздор бўлган “Ҳазорасп гилами” масъулияти чекланган жамияти, “Туямўйин ғишт” шўба корхонаси, “Туямўйинсувқурилиш” очиқ акциядорлик жамияти, “З-МКТ” шўба корхонаси, “Хоразм Бофот қурилиш” очиқ акциядорлик жамияти, “Туямўйин материаллари таъминоти тўбе жамияти” ва “Хўжалик ҳисобидаги маҳсус қурилиш тармоғи” шўба корхонаси қаби корхоналар шулар жумласидандир.

Хорижий инвесторларни жалб этиш ва ушбу корхоналарни самарали бошқариш мақсадида банк томонидан низом жамғармаси 5 миллиард сўмлик “PSB industrial investment” бошқарув инвестиция компанияси ташкил этилди. Банк томонидан банкрот корхоналар мол-мулклари негизида ташкил этилган корхоналар банк тасарруфига ўтказилди. Бу ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштириш жараёнини самарали бошқариш имконини беради.

Банк томонидан тасдиқланган бизнес-режаларга асосан корхоналарни ривожлантириш учун қиймати 57 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция киритиш ва 1314та янги ишчи ўринларини яратиш кўзда тутилган эди. Бу

борада 18,5 миллиард сўм сармоя йўналтирилди ва бу 755 янги иш ўрни яратиш имконини берди. Асосан қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан шуғулланадиган “Хорезм глобал констракшн” масъулияти чекланган жамияти “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан амалга оширилаётган ишлар нечогли самара бераётганига яққол мисол бўла олади. Ушбу корхона “Туямўйинсувқурилиш” очиқ акциядорлик жамияти, “З-КМЗ”, “Туямўйин материал таъминот тўбе жамияти” шўба корхоналари ва “Хоразм Бофот қурилиш” масъулияти чекланган жамияти мол-мулки негизида ташкил этилди. Ушбу корхоналарни қабул қилиш пайтида уларнинг бинолари, иншоотлари, транспорт воситалари ҳамда муҳандислик коммуникациялари фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатда эди. Банк томонидан янги корхонага жами 3,93 миллиард сўм инвестиция киритилди. Йил якунигача инвестициялар ҳажмини 6,4 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан амалга оширилаётган молиявий соғломлаштириш тадбирлари ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Жорий йил биринчи чорагида корхона томонидан “Хорезм брикс” масъулияти чекланган жамияти ғишт заводида 400 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича илк пудрат шартномаси тузилди. Иккинчи чоракда “Жанубгазмаҳсусмонтаж” унитар корхонаси билан Марказий Фаргона сув омборида қурилиш ишларини бажариш бўйича қиймати 4 миллиард сўмдан ортиқ иккинчи пудрат шартномаси тузилди. Бизнес-режага мувофиқ, “Хорезм глобал констракшн” ҳар йили қиймати 4 миллиард сўмдан - 5 миллиард сўмгача бўлган ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаради. “Хорезм глобал констракшн” йўл қурилиши соҳасидаги ишлар ҳажмининг ортиб бораётганини ҳисобга олиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга замонавий, тежамкор, кўчма асфалт заводини харид қилишни режалаштирумоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк”дан маълум қилишларича, бундай ишлар бошқа корхоналарда ҳам амалга оширилган. Бу борада мазкур корхоналар жойлашган ҳудудларнинг эҳтиёж ва салоҳияти инобатга олинган. Банк сармоялари ҳисобидан ушбу

объектларда модернизация қилиш, қурилиш-қайта тиклаш, янги ускуналарни монтаж қилиш ишлари нысандың оширилгендеңдеги көмекшілікке жеткізгендегі.

Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг яна бир муҳим ҳуқуқий асосларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 апрелдаги “Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора- тадбирлари тўғриси” даги 188-сонли Қарори ҳисобланади.

Қарорда иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг таркибий ўзгартирилиши ва банкрот бўлиши жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидагилар белгилаб ўтилган:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тақдимномасига кўра таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналар ўз балансидаги:

- турар жойлар, ётоқхоналар, болалар боғчалари ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа объектларини — ўзлари жойлашган жой бўйича шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари балансига;
- умумий фойдаланиладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини (электр тармоғи хўжалиги, сув таъминоти объектлари, транспорт коммуникациялари ва ҳоказолар) функционал мансублилигига кўра тегишли хўжалик бирлашмаларининг корхоналари балансига жорий ҳолати бўйича белгиланган тартибда берадилар.

Мазкур қарорга мувофиқ балансдан балансга берилаётган умумий фойдаланиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қиймати берувчи томон учун қўшилган қиймат солигини ҳисоблашда ва қабул қилувчи томон учун даромад (фойда) солигини ҳисоблаш чоғида солик солиш обьекти ҳисобланмайди.

Таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, заар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг тугалланмаган қурилиш обьектлари ва асосий фондларини консервация қилиш тўғрисидаги қарор таркибий ўзгартириш ёки банкротлик тартиботи амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва Рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг худудий органлари хulosаларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, заар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилладиган корхоналарнинг тугалланмаган қурилиш обьектлари ва асосий фондларини консервация қилиш тўғрисида таклифлар киритиш хуқуки берилган.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг тугалланмаган қурилиш обьектлари ва асосий фондларни консервация қилиш тўғрисидаги таклифларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқишининг чекланган муддатлари кўпи билан икки ҳафта этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳайъатининг қарорига кўра таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, заар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг (мулкий комплексни ва бизнесни баҳолаш ҳам шу жумлага киради), шунингдек хўжалик судининг қарори билан уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол- мулкини халқаро методикага мувофиқ мол-мулкнинг реал бозор, инвестиция ва тугатиш қийматини ҳисобга олувчи баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилган баҳолаш кимошли, биржа савдоларида ва ошкора таклиф асосида мол- мулкни сотишда белгиланган тартибда бошланғич баҳо сифатида қўлланилиши мумкин. Таркибий

ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкини баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги қўшимча Низомга мувофиқ тасдиқланади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатларни тўлашни ва талабларни қондиришни ва иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашни;

тижорат банклари томонидан банкрот корхона сотилгандан кейин банкрот корхонанинг бошқа кредиторлик қарзини тўлашни назарда тутадиган мажбуриятлар қабул қилинганда қарздор корхонаси (мол-мулки)ни тугатиш қиймати бўйича ўз мулкига ўтказиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш хуқуқига эгадир.

Тижорат банки томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатлар ва талабларни қондириш ва иш ҳақи бўйича қарздорликни тўлаш хўжалик суди томонидан кредиторлик қарзи таркибида банк кредитлари бўйича 70 ва ундан кўп фоиз қарздорликка эга бўлган банкрот корхонанинг мол-мулкини кредитор банкнинг мулкига тугатиш қиймати бўйича бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак. Ушбу банднинг учинчи хатбошига мувофиқ тижорат банкининг мулки қилиб берилган банкрот корхонанинг кредиторлари билан узил-кесил ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқилган қўйилган маблағлар бўйича фоиз даромади ва сотиш суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маржа ҳисобга олинган ҳолда илгари банкрот корхонага берилган кредитлар бўйича қарздорлик, фаолиятни тиклашга банкнинг харажатлари чиқариб ташланган ҳолда кейинчалик корхонани бозор қиймати бўйича стратегик инвесторларга сотищдан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

1.3. Реал сектор корхоналарининг молиявий-иктисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонлари

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- * бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;
- * истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;
- * айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган хар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади (5-жадвал).

Корхонада самарадорликни аниқлаш муҳим ахамиятга эга. Бугунги кунда самарадорликни аниқлашда барча кўрсаткичларни шартли равища икки гуруҳга бўлиб ўрганиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳга натурал кўрсаткичлар киради. Иккинчи гуруҳга иқтисодий кўрсаткичлар киради. Ҳар икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш самарадорликни аниқроқ кўрсатади. Шу сабабли самарадорликни аниқлашда натурал ва иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

“Корхоналарнинг молиявий-иктисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гурухларга бўлинади:

- иқтисодий барқарор корхона
- иқтисодий хатарли корхона

- иқтисодий начор корхона:
- ўз тўлов қобилиятини тиклаш имконятига эга;
- ўз тўлов қобилиятини тиклаш имконятига эга бўлмаган корхоналар.

1-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқаси⁹

Моддий ва буюмлашган шаклда		Пул шаклида	
<i>Ресурслар</i>	<i>Харажатлар</i>	<i>Ресурслар</i>	<i>харажатлар</i>
Ишчи кучи сони	Меҳнат (сифат ва миқдор)	Меҳнат ҳақи фонди	Тўланган ойлик миқдори, жумладан, мукофот ва қўшимчалар
Бино, иншоот, машина ва ускуналар (меҳнат қуроллари)	Меҳнат куролларининг эскириши	Асосий капитал	Амортизация ажратмалар
Меҳнат предметлари	Истеммол, талаб, материаллар, ёқилғи, энергия ва ҳоказо	Айланма капитал	Сарфланган хом ашё, материал ва ҳоказолар қиймати
Тайёр маҳсулот	Дизайн, реклама, қадоқлаш, товар йўқотишлари	Муомала фондлари	Қўшимча харажатлар (қиймат)
-	-	Пул маблағлари	Кредит учун фоиз

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий начорлик қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий начорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффициенти (K_{TK});

⁹ Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.

- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (Кхм);

- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (Рих),
- Активлар рентабеллиги. (Ра):
- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти (Кхқ);
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:
- Эскириш коэффициенти (Кэск)
- молиявий мустақиллик коэффициенти ($K_{\phi n}$);

Бу кўрсаткичлар бир қараашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сигими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда кўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қиласи.

1. Тўлов қобилияти коэффициенти (K_{tk}) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{tk} = \frac{\text{Жорий (айланма)} \quad A2}{\text{активлар}} = \frac{\text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{П2 - ДО}}$$

Бу ерда:

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

P_2 – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидағи қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо), бухгалтерия балансининг 770 сатри;

ДО – узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар тўлов қобилияти коэффициенти ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (K_{xm}) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидағи муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффициент қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{xm} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}$$

Бу ерда: A_1 – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Дзк2 – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (P_{ux}),

$$P_{ux} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

у ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

ЖАйк – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Агар рентабеллик коэффициентлари нолда кичик бўлса корхона заар билан ишлаётган деб ҳисобланади

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти (K_{xk}) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатта олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{xk} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

Бу ерда:

Π_1 – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

$ДО$ – узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг қиймати йил охирида бирдан кичик бўлса, корхонада молиявий хавф хатар (risk) мавжудлигинг аломати бўлади. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг камайиши корхонанинг молиявий хатарини ортишини билдиради.

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$К_{кф} = \frac{Q \text{ ҳақиқий}}{Q_{лоиха} - (Q_{ижара} + Q_{консерв.})}$$

Q ҳақиқий. – ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми;
Q_{лоиха}. – максимал, лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати

Q_{ижара}. –ижарага бериб юборилган қувватларга мос келувчи маҳсулот хажми;

Q консерв. – консервация қилинган қувватларга мос келувчи маҳсулот хажми;

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти 0,5 дан ёки тармоқ бўйича ўртacha қийматдан кичик бўлса, корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш паст даражада деб қабул қилинади.

7. Эскириш коэффициенти (Кэск) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида куйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Кэск} = \text{Ав.Эс}/\text{Ав.Бк}$$

Бунда: Авэ – асосий воситалар эскириш суммаси;

Авбк – асосий воситаларнинг бошланғишлаб чиқариш қиймати;

Ф1 – 1-шаклдаги “Бухгалтерия баланси”;

010 ва 011-сатрлар – баланс сатрлари.

Асосий воситаларни эскириш коэффициенти 0,5 дан юқори бўлмаслиги лозим.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўtkазиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналарнинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи параметрлар белгилаб берилган.

Иқтисодий хатарли корхона учун тўлов қобилияти коэффициенти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти меъёрдан дан кичик бўлса, молиявий мустақиллик коэффициенти 0,5 дан кичик бўлса, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кичик бўлса корхоналар иқтисодий хатарли корхона деб топилади.

Иқтисодий ночор корхона учун пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича З ойдан ортиқ қарзи бор бўлиши лозим.

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича З ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, шу билан бирга Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор бўлса, яъни тўлов қобилияти коэффициенти ($K_{тк}$) меъёрда, рентабелли ва

хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (Кхм) юқори бўлса “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор” деб қабул қилинади

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича З ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, унинг қиймати энг кам иш хақининг 500 бараваридан юқори бўлса ва Активлар рентабеллиги. (Ра)паст, тўлов қобилияти коэффициенти (K_{tk})кичик, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (Кхм)паст бўлса корхона “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти йўқ” деб қабул қилинади

Корхона начорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, начорлик параметрларининг умумий суммаси юқоридаги меъёрлардан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ҳаракат қиласди. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида фойдани максималлаштириш ёки харожатларни минималлаштириш ётади.

1-боб бўйича хулосалар

Молиявий соғломлаштириш - корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш. Корхоналар фаолияти молиявий соғломлаштиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- хўжалик-молиявий фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириш;
- банкротлик таомилларини жорий этиш;
- корхонани ташқи инвесторларга сотиш;
- корхонани қайта таркиблаш;
- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини диверсификациялаш ва бошқалар.

Ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни хўжалик айланмасига йўналтиришда корхоналар катта имкониятларга эга. Бу эса, асосан, уч гурух ишлаб чиқариш ресурслари (мехнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари) омилларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлик. Хўжалик раҳбари ва бошқарувнинг барча даражасида иқтисодий таҳлил методлари бизнес режа тузиш ва уни асослаш, унинг бажарилишини назорат қилиш, хўжалик фаолиятидаги бўш жойларни аниқлаш, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ресурсларнинг резервини аниқлаш ва сафарбар этиш, хўжалик юритувчи субект фаолиятини объектив баҳолашда фойдаланилади.

Корхона начорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, начорлик параметрларининг умумий суммаси юқоридаги меъёрлардан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Иқтисодий хатарли корхона учун тўлов қобилияти коэффициенти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти меъёрдан дан кичик бўлса, молиявий мустақиллик коэффициенти 0,5 дан кичик бўлса, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кичик бўлса корхоналар иқтисодий хатарли корхона деб топилади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ҳаракат қиласи. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида фойдани максималлаштириш ёки харажатларни минималлаштириш ётади.

II БОБ. Реал секторда иқтисодий начор корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштиришнинг амалий ҳолати таҳлили (ТИФ Миллий банки мисолида)

2.1. ТИФ Миллий банки тавсифи ва фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлили

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг банк-молия тизимини ривожлантиришдаги ўзига хос стратегияси давлатнинг ушбу жараёнда эркин бозор муносабатларига тўлиқ тайёр бўлишига қадар қатнашиши бўлди. Бундай ёндошиш биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган асосий тамойилларга асосланган эди.

Ўзбекистон банк тизимининг иқтисодиёт соҳаларини ташкил этишда қатнашувини таҳлил қилиш жараёни кўрсатадики, тижорат банклари алоҳида эътиборни мамлакатимизнинг тўлиқ иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун аҳамияти катта бўлган соҳаларни кредитлашга қаратди.

Банк олдига қўйилган масалаларни амалга ошириш учун катта куч бериб, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш бўйича лойиҳаларни молиялаштирумокда. Натижада республикамизда юқори технологик корхоналар ташкил қилинди, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаол ўзлаштирилмоқда. Сезиларли силжишлар нафақат иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тузилмасида, балки экспорт номенклатурасида ҳам юз бермоқда. Биринчи навбатда, жаҳон бозорига хом-ашё ресурсларини эмас, балки тайёр маҳсулотни етказиб бериш ҳажмлари ортмоқда. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масала ҳам ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз биринчи Президенти И.Каримов 1991 йил сентабр ойида чиқарган Фармон билан ташкил этилган. Банк олдига мамлакатимиз компанияларининг ташқи савдо операциялари бўйича халқаро инвеститсияларни, илғор технологияларни жалб этишга қодир бўлган молия

муассасаси яратиш вазифаси қўйилган. Моҳиятан, бугунги кунда Ўзмиллийбанк мамлакатимиз банк тизими ning халқаро молия бозорларидағи “ташрифнома”си бўлиб қолди. Консерватив, пухта ўйланган сиёсатга таяниб, Банкни бошқаришнинг самарали механизмларини, ўсиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу ҳолат унга дадил ва жўшқин ривожланиб, профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида мустаҳкам обрўга эга бўлиш имконини берди.

Банк бозор ўзгартишларини амалга оширишда фаол етакчилик қилиб келмоқда. Лойиҳаларни молиялаш, универсал тижорат, инвеститсия ва жамғарма банклари функцияларини энг мақбул тарзда уйғунлаштириб ишлаётган Ўзмиллийбанк Ўзбекистон бозор иқтисодиётига муваффақиятли кириб боришига ёрдам бермоқда.

1993 йилдан бери «The Banker» журналининг рейтингига кўра, Миллий банк дунёning энг йирик банк институтларининг биринчи мингталигига киради ва бугун 675 ўринни эгаллади.

2016 йил якуплари бўйича банк активлари 20,7 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,6% ошган.

Ҳисобот даврида банкнинг жами капитали 2,8 трлн. сўмни ташкил этиб, 2016 йилда 29,6 фоизга ўсган.

Банк кредит портфели 13,0 трлн. сўмни ташкил этиб, 91 фоизи узок муддатли инвеститсион кредитлардан иборат.

2016 йилда банк томонидан 118,8 млрд.сўм соф фойда олиниб, ўтган даврга нисбатан 46 фоизга ошган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2016 йил давомида 2,4 трлн. сўм кредит ажратилган (2015 йилга нисбатан 32% ўсиш).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-кувватлаш жамғармаси кўмагида 470 та тадбиркорнинг 1,4 млрд. долл. Экв. маҳсулот ва ҳизматлари экспорт қилинди.

Ўзмиллийбанкнинг 2017 йил 1 январ ҳолатига асосий қўрсаткичлари
тўғрисида маълумот¹⁰, (млн сўмда)


Кўрсаткичлар номи	01.01.2016 й.	01.01.2017 й.	Фарқи	Ўсиши (%)
Жами капитал (субординар облигациялар ва бошқа субординар қарзлар билан бирга)	2 124 391	2 702 916	578 525	127,20%
Устав капитали	160 946	200 946	40 000	124,9%
Банк активлари жами	16 070 649	20 012 520	3 941 871	124,50%
Кредит қўйилмалари жами	9 975 127	13 022 120	3 046 993	130,50%
Инвестицион кредитлар	8 581 774	11 953 656	3 371 882	139,30%
Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар	1 479 054	2 520 000	1 040 946	170,40%
Микрокредитлар	227 543	412 000	184 457	181,10%
Ўз ресурслари ва жалб қилинган ресурслари ҳисобига иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари	9 975 127	12 954 740	2 979 613	129,90%
Юридик шахсларга кредитлар	9 129 168	11 729 719	2 600 551	128,50%
Жисмоний шахсларга кредитлар	845 958	1 225 021	379 063	144,80%
Бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар	9 798 271	12 624 439	2 826 168	128,80%
Жами депозитлар қолдиги	8 040 889	10 051 111	2 010 222	125,0%
Банк инфратузилмалари	580	580	—	100,00%
филиаллар	93	93	—	100,00%
бошқалар (мини банклар, махсус касса ва жамгарма кассалар)	487	487	—	100,00%

¹⁰ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

Бугунги кунда Ўзмиллийбанк “Moody’s Investors Service” ҳамда “Standard and Poor’s” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтинг баҳоларига эга.

Банк Ўзбекистон банк тизимида етакчилик қилмоқда. 2015 йил якунларига кўра Банкнинг улушига банк тизими барча активларининг қарийб 25 фоизи тўғри келди.

Банкнинг жамлама баланси миллий валютага нисбатан эквивалентда 16070 млрд. сумни ташкил қилди. 2010-2015 йилларда 9 080 млрд. сўмга ёки 2,3 бараварга кўпайди, 2015 йилда ўсиш 3 152 млрд. сўмни ёки 24,4 фоизни ташкил қилди (**2-расм**).




2-расм. Банкнинг жамлама балансининг ўзгариши¹¹

Банк капитали миллий валюта сўмга нисбатан эквивалентда (субординацияланган облигациялар ва бошқа субординацияланган қарзларни ҳисобга олганда) 2010 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда 2,6 бараварга кўпайди ва 2124 млрд. сўмни ташкил қилди (**3-расм**).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги “Банкларни капиталлаштиришни янада ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2420-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 367-

¹¹ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

сонли Қарорига мувофиқ Банкнинг устав капитали 75,0 млрд.сўмга, шу жумладан 2015 йилда 35 млрд. сўмга ва 2016 йилда 40 млрд. сўмга кўпайди.




3-расм. Банк капиталининг ўзгариши¹²

2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига Банкнинг устав капитали 160,946 млрд. сўм (39 млрд. сўм ва 400 млн.АҚШ доллари)ни ташкил қиласкан, бу эса 2014 йил натижаларидан 28 фоизга юқори.

2015 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги қоидалари, Базель III халқаро стандартларида кўзда тутилган талаблар босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилиги кўрсаткичи 18,9 фоизни ташкил қиласкан; 1-даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи 14,2 фоизни ташкил қиласкан; левераж 7,0 фоизни ташкил қиласкан; жорий ликвидлик кўрсаткичи 101,8 фоизни ташкил қиласкан. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўйилган минимал меъёрий талаблар эса мос равишда 10%;7,5%;6%; 30% (4-расм).

¹² Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.



4-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2015 йилда ўрнатилган алоҳида меъёрларга риоя қилиниши графиги¹³.


Капиталлаштириш даражаси юқори бўлганлиги туфайли Банк мижозлар базасини кенгайтириш учун катта захира сақламоқда. Ликвидлик захираси ҳам ички, ҳам ташқи молия бозорларида керакли тўловларни нафақат ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, балки молия-хўжалик фаолиятини ривожлантиришда Банк ва унинг мижозлари эҳтиёжларини қаноатлантириш имкониятини беради.

2015 йил якунларига кўра Банк 2014 йил кўрсаткичларидан 23,4 фоизга катта миқдорда даромад олди. Активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичлари 0,6 ва 5,3 фоизга ошди.

Рентабеллик кўрсаткичлари одатда юқори эмас, чунки ТИФ Миллий банки иқтисодиётнинг асосий соҳалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда ижтимоий дастурларни ҳал қилишга кўмаклашувчи имтиёзли шартларда директив кредитлашни катта ҳажмларда амалга ошироқда.

Активлар ва пассивларни бошқариш соҳасидаги асосий вазифа ташқи муҳит ҳамда активлар ва пассивларнинг тузилишига қараб ҳосил бўладиган хатарларни бошқариш, уларни назорат қилиш усуллари ёрдамида Банкнинг жорий ва стратегик мақсадлари бажарилишини таъминлашдан иборат.

¹³ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.




5-расм. ТИФ Миллий банки активлари ва капитали динамикаси¹⁴

Банк юритаётган активлар ва пассивларни бошқариш сиёсатининг бош мақсади барқарор ва самарали молиявий натижага эришиш, капиталлашув даражасини ошириш, пул оқимларини қоплаш учун ликвидликнинг зарур даражасини сақлаб туриш, ҳар бир мижознинг юқори сифатли ва ишончли банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш; омонатларни жамғариш ва иқтисодиётга инвестициялаш, таваккалчиликни йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан оширгмаган ҳолда маблағлар жойлаштирилишидан олинадиган даромадларни кўпайтириш ва мақбуллаштириш, муддатлар бўйича Банк активлари ва пассивларининг тузилмаси мувозанатда бўлишига эришишдан иборат.

2015 йил натижалари бўйича Банкнинг активлари тузилиши (нетто) куйидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган (6-расм):

¹⁴ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.




6-расм. Банк активларининг тузилиши¹⁵.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, Банк активлари (нетто) 16 070 млрд. сўмни ташкил этди, шу жумладан, даромадли активлар улуши барча активларнинг 83 фоизига етди. Даромадли активлар 2015 йилда аввалги йил натижаларига нисбатан 27,6 фоизга кўпайди, барча активлар 24,4 фоизга ўсди.

Активлар тузилишида кредит операцияларининг улуши катта салмоқقا эгадир – Банкнинг барча нетто активларининг 61 фоизи. Банк аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини кредитлар билан ҳар томонлама қўллаб-кувватламоқда; кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини рағбатлантирумоқда; хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқларини ривожлантиришда кўмаклашмоқда, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари кредитлар билан қўллаб-кувватланишини таъминламоқда ва х.к (7-расм).

¹⁵ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.



7-расм. Умуман активлар ва даромадли активларнинг ўсиши¹⁶

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик, пассивлар бўйича мажбурий резервлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш ҳисобварагарида қолдиқлар мавжуд бўлиб, улар улуши барча активларнинг 14 фоизини ташкил этди.

Ўзмиллийбанкнинг активлари динамикаси



8-расм. ТИФ Миллий банки активларининг динамикаси¹⁷.

Бошқа банклардаги маблағлар 13 фоизни ташкил қилди. Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар,


¹⁶ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

¹⁷ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

банклар ҳамда банк маҳсулотлари бўйича белгиланган таваккалчилик лимитлари доирасида олиб борилмоқда.

Инвестициялар ва қимматли қоғозларга қўйилмалар 5 фоизни ташкил этди. Активларнинг умумий тузилишида ТИФ Миллий банкининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки улуши 1 фоизни ташкил қилди. ТИФ Миллий банки пассивларининг 90 фоизи мажбуриятларга ва 10 фоизи капиталга тўғри келади.

2015 йил натижалари кўра ТИФ Миллий банки пассивлари тузилиши қуйидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган (**9-расм**):



9-расм. ТИФ Миллий банки пассивлари тузилиши¹⁸

Умумий пассивларнинг 24 фоизи, тўланиши керак бўлган қарзларнинг 24 фоизи хорижий банклар берган кредитлар улушига тўғри келади. Кейинчалик кредитлар сифатида қайта молиялаш учун жалб этилган маблағларнинг умумий улуши 48 фоизни ташкил этди.

Барча пассивлардан мижозлар маблағларининг улуши 36 фоизни ташкил қилади, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари улушига 29 фоиз, ахоли омонатларига 7 фоиз, ТИФ Миллий банки чиқарган қимматли қоғозлар улушига 1 фоиз, банклар депозитларига 2 фоиз, банк капиталига барча активларнинг 10 фоизи тўғри келади.

Пассивлар бошқарилишини мақбуллаштириш мақсадида қуйидаги чоралардан фойдаланилмоқда: ликвид позицияни сақлаб туриш учун

¹⁸ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

контрагент банклар томонидан Банкка кредит йўналишлари очиш; жойлаштириш муддатларига мос келадиган жалб этиш муддатлари бўйича ресурс базасини диверсификация қилиш; маблағларнинг ўртача қолдиғи барқарорлигини ҳамда улар ўтроқлиги даражасини аниқлаш учун коэффициентлар тизими орқали мижозлар маблағларини таҳлил қилиш ва бошқалар.

Банк пассивлари тузилишининг ўзига хос хусусияти у хорижий инвестициялар ва қарзларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш бўйича Республика Хукуматининг агенти вазифасини амалга ошираётганлиги билан боғлик.

Банкнинг асосий хорижий вакиллик банкларига дунёning қуидаги энг иирик банклари киради: Германиянинг Commerzbank AG, Deutsche Bank AG ва Landesbank Berlin AG, Американинг J.P.Morgan Chase, Citibank ва The Bank of New York Mellon, Швейцариянинг Credit Suisse, Япониянинг Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) ва Bank of Tokyo Mitsubishi UFJ (BTMU) ва бошқалар.

Халқаро молия институтлари ва тараққиёт банклари орасидаги асосий ҳамкорлар – Хитой Давлат Тараққиёт банки (CDB), Хитой Экспорт-импорт банки (Eximbank of China), Корея Экспорт-импорт банки (Eximbank of Korea), Корея Тараққиёт банки (KDB), Ислом Тараққиёт банки (IDB), Осиё Тараққиёт банки (ADB), Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC), Халқаро молия корпорацияси (IFC) ва бошқалар.

Банк ҳар йили машхур халқаро нашрларнинг нуфузли рейтингларида қатнашиб, жаҳон банк тизимида илғор мавқеларни дадил эгаллаб келмоқда. Банк “The Banker” нашри томонидан ҳар йили эълон қилинадиган жаҳоннинг 1000 та энг иирик банки рейтингига 1993 йилдан буён киради.

Хозирги кунда Банкнинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатига мансуб қарийб 667 та банкни, ҳамда 24 та Ўзбекистон банкини қамраб олган.

Ўзбекистон банк-кредит тизими иқтисодиётни институционал, таркибий, технологик ўзгартериш ва мамлакатдаги бозор иқтисодий

ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чораларини амалга оширишда энг муҳим ролни ўйнайди. Бу эса, тижорат банклари мавжуд ресурслар ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиши мумкин бўлган ҳамда мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий юксалиш катализатори сифатида хизмат қилувчи юқори ижтимоий-иқтисодий натижаларни таъминлайдиган соҳалар, тармоқлар ва минтақаларни кредитлашга алоҳида эътибор берастганидан далолат беради.

Натижада республикамизда юқори технологик ишлаб чиқаришлар яратилди, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаол ўзлаштирилмоқда. Илғор ўзгаришлар нафақат ишлаб чиқариш тузилмасида, балки экспорт номенклатурасида ҳам юз бермоқда. Биринчи навбатда, жаҳон бозорига хом-ашё ресурсларини эмас, балки тайёр маҳсулотни етказиб бериш ҳажмлари ортмоқда. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масала ҳам ҳал этилмоқда.



10-расм. ТИФ Миллий банки кредит қўйилмалари динамикаси¹⁹

Банкнинг 2015 йил учун Кредит сиёсатига мувофиқ Банк томонидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, корхоналарни модернизация

¹⁹ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт соҳаси, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни жадал ривожлантириш, иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг мунтазам ва динамик ривожланишига эришиш, ёшларга зарурий шароитлар яратган ҳолда уларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Банк ёш оиласлар учун туаражойлар қуриш ҳамда майший техника ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳисобига уларнинг моддий-майший шароитларини яхшилаш учун ажратиладиган кредитлар салмоғини қўпайтириш кўзда тутади.


Хорижий валютадаги кредитлаш манбаларига хорижий банкларнинг қайта молияланган маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари, Банкнинг ўз маблағлари, миллий валютадаги кредитлаш манбаларига Банкнинг ўзига тегишли, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан жалб этилган ресурслар киради.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, улар барқарор фаолият юритиши ва экспорт салоҳияти ортишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058 сонли Фармонини бажариш мақсадида Банк 2015 йилда экспортчи корхоналарга имтиёзли кредитлар берди.

2016 йил 1 январь ҳолатига Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши қуйидагича бўлди:

- транспорт ва алоқа – 37,8 фоиз,
- ёқилғи-энергетика комплекси – 18,8 фоиз,
- ташқи, ички савдо ва таъминот корхоналари – 4,9 фоиз,

- қурилиш ва қурилиш материаллари – 4,5 фоиз,
- қишлоқ хўжалиги – 2,6 фоиз,
- енгил саноат – 1,6 фоиз,
- озиқ-овқат саноати – 1,6 фоиз,
- кимё ва нефть-кимё саноати – 1,2 фоиз,
- тиббиёт саноати – 0,9 фоиз,
- машинасозлик ва металлга ишлов бериш – 0,8 фоиз,
- металлургия – 0,6 фоиз,
- уй-жой-коммунал хўжалиги – 0,6 фоиз,
- бошқа тармоқлар – 24,1 фоиз.




11-расм. Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши²⁰

2015 йилда Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438 сонли Карорини бажариш юзасидан кредитлашни давом эттирди.

²⁰ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

2016 йил 1 январ ҳолатига инвестицион кредитларнинг салмоғи банк кредит портфели умумий суммасининг 86 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги “2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2282 сонли Қарорини бажариш мақсадида Банк қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой объектлари қурилишини молиялаштиришда қатнашмоқда.




12 -расм. ТИФ Миллий банки кредит фаолияти асосий кўрсаткичлари динамикаси²¹

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш учун 2015 йилда қўйидаги асосий йўналишлар бўйича лойиҳалар миллий ва хорижий валюталарда молиялаштирилди: сут маҳсулотлари, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун замонавий мини-технологиялар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш ва сервис

²¹ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

соҳасини, шу жумладан сайёхликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари чорвачиликни ривожлантириш учун, дехқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор аёллар, оилавий тадбиркорлар ва бошқалар.

Аҳолининг, шу жумладан, ёш оилаларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш, хотин-қизларнинг кундалик уй юмушларини енгиллаштириш мақсадида Банк томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, радиоэлектроника товарлари ва майший техникаларни сотиб олиш, республикамизнинг олий ўқув юртларида таълим олишни молиялаштириш ва бошқа мақсадлар учун истеъмол кредитлари берилди. Бундай кредитларни бериш ҳажмининг ўсиш суръати 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 121 фоизни ташкил қилди.



13-расм. ТИФ Миллий банки кредит қўйилмалари тақсимоти²²

Банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИХ)га аъзо ёш оилалар учун

²² Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

мўлжалланган кўпхонадонли уйларни қуриш ва қайта таъмирлаш доирасида пудратчи ташкилотларни молиялаштириш ишлари амалга оширмоқда. 2016 йил 1 январь ҳолатига “Камолот” ЁИҲ уйларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун жами 35,3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.




14-расм. ТИФ Миллий банки кредит қўйилмалари тақсимоти²³

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига мувофиқ Банк Республика вилоятларида кўп қаватли уйларни қуришни молиялаштирмоқда.

2015 йилда Банк иқтисодиёт реал секторининг устувор йўналишлари, кичик бизнес ва хусусуий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари ривожланишига ва республикада тегишли соҳаларни ривожлантириш бўйича мақсадли Хукумат дастурларини, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш юзасидан белгиланган чораларни бажаришга кредит ажратиш орқали ўз хиссасини қўшиб борди.

²³ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.



15-расм. Кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг тармоқлар бўйича тузилиши (миллий валютада)²⁴

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун миллий валютада 2015 йил давомида 1,8 трлн.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар орқали қўйидаги йўналишлар молиялаштирилди: сут, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий мини-технологияларни харид қилиш, хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасини, шу жумладан туризмни ривожлантириш, шахсий томорқа ва дехқон хўжаликлари чорвачиликни ривожлантириш учун, дехқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор аёллар, оиласији тадбиркорлар ва бошқалар.

2015 йилда Банк бўлим ва филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига 205,0 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

2.2. ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолияти ва балансга олинган иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳолати таҳлили

ТИФ Миллий банки мамлакатдаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Банкининг кенг кўламли ва замонавий инфратузилмаси


²⁴ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни фаол қўллаб-куватлайдиган молия ва саноат секторлари ривожланишига кўмаклашмоқда.

Хозирги кунда илгари ёпилган корхоналар бугун янгитдан ҳаёт бошламоқда. Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, минглаб одамлар доимий даромад манбаига эга бўляяптилар. Бу эса ўз навбатида, нафақат мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этишига, балки республика аҳолисининг фаровонлиги ортишига ҳам хизмат қиласди.

Банк бугунги кунда мамлакатимиздаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади.

Ўзмиллийбанкнинг иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари динамикаси



16-расм. ТИФ Миллий банкининг иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари динамикаси²⁵

Банк ўз фаолияти даврида кўплаб ҳуқумат ва минтақавий дастурларни, хусусан, ҳар йили инвестиция дастурлари, иқтисодиёт соҳаларини маҳаллийлаштириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурлари ва бошқаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

²⁵ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

Ушбу лойиҳаларнинг асосий қисми ёқилғи-энергетика комплекси, агросаноат комплекси, тўқимачилик саноати, транспорт ва алоқа, тоғ-кон саноати каби саноат соҳаларига даҳлдордир.

Хорижий банклар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (ТТЖ) қайта молиялаштирилган маблағлари ва банкнинг ўз маблағлари хорижий валютада молиялаштириш манбалари вазифасини бажаради.

Банк корхоналар ва ташкилотларга янги объектларни қуриш, замонавий технологияларни жорий этиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун узок муддатли кредитларни беришга доир барча имкониятларни топишга интилмоқда.

Банк томонидан тақдим этилган кредитлар иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва янги юқори самарали ишлаб чиқаришларни жорий этиш, кичик бизнесни қўллаб-куватлаш, маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босадиган истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилди.

Банк кредит портфелининг ҳажми 2015 йилда ўтган йилнинг мос давридаги кредит портфелига нисбатан 24 фоизга ўсди ва 9 975 млрд.сўмни ташкил этди (17-расм).

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остида хорижий кредитларни жалб этиш орқали Банк инвестиция ва кредитталаб бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашмоқда.

2015 йилда умумий қиймати 185,51 млн. АҚШ доллари миқдорида иирик инвестиция лойиҳаларига кредит ажратиш юзасидан молиялаштириш ташкил қилинди.

Жумладан, қўйидаги энергетика, нефт-газ, транспорт ва фармацевтика соҳаларида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар бўйича:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ: “Локомотив паркларини янгилаш. 11 та секцияли юқ ташувчи электровозларни сотиб олиш” лойиҳаси

(Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси – 42,17 млн. АҚШ доллари);



17-расм. ТИФ Миллий банки кредит қўйилмалари динамикаси²⁶

2. “Узбекистон темир йуллари” АЖ: “2та юқори тезликда ҳаракат қиласидиган “Тальго-250” йўловчи поездларини харид қилиш (Испания)» лойиҳаси (Банк орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси - 9,0 млн. евро);

3. “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК: Ўзбекистон Республикасининг ердаги рақамли эшиттириш тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси (Япония Халқаро ҳамкорлик банки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси 62,59 млн.АҚШ доллари эквивалентида);

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги: “Навоий вилоятидаги “Конимех-1” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳаси. (Банк орқали Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси 4,91 млн. АҚШ долларини ташкил этади);

²⁶ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги: “Наманган вилоятидаги “Кукумбой” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳаси. (Банк орқали Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси 3,78 млн. АҚШ долларини ташкил этади);

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги: “Каналларни тозалаш учун Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасини экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш”. (Банк орқали Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси 11,06 млн. АҚШ доллари);

7. “Пойтахт курилиш ва хизмат” ДУК: “Тошкент шаҳрининг Навоий кўчасида меҳмонхона мажмуасини қуриш” лойиҳаси (Банк орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси 42,0 млн. АҚШ доллари).

2015 йилда қуйида келтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш давом этди:

- “Ҳар бирининг қуввати 450 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини барпо этиш орқали Толимаржон иссиқлик электр станцияси (ИЭС)ни кенгайтириш лойиҳаси” (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қайта молиялаштириш ҳисобига – 240,86 млн. АҚШ доллари);
- “Тошкент ИЭСда қуввати 370 МВт бўлган буғ-газ қурилмасини барпо этиш” лойиҳаси бўйича молиялаштириш бошлаб юборилган (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қайта молиялаштириш ҳисобига – 76,2 млн. АҚШ доллари);
- “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси: “Конни жиҳозлаган ҳолда Сургил кони ҳудудида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш” (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси - 100,0 млн. АҚШ доллари, захира аккредитиви - 195 млн. АҚШ доллари).

- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бўйича:
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ: “Ангрен-Поп йўналиши бўйича электрлашган темир йўл йўналишини барпо қилиш” лойиҳаси (Банк орқали қайта молиялаштирилган сумма 592,48 млн. АҚШ доллари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси - 242,48 млн. АҚШ доллари ва Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси – 350,0 млн. АҚШ доллари).
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг лойиҳалари бўйича:
 - “Андижон вилоятидаги “Асака-Адир” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳаси. (Банк орқали Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси 4,32 млн. АҚШ долларини ташкил этади;
 - “Навоий вилоятидаги “Касаба” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳаси. (Банк орқали Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси - 4,19 млн. АҚШ долларини ташкил этади;
 - “Андижон вилоятидаги “Раиш-Хакент-2” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳаси. (Банк орқали Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки кредитининг қайта молиялаштирилган суммаси - 4,34 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Бундан ташқари, қуйидаги лойиҳаларнинг лойиҳа олди хужжатлари белгиланган тартибда кўриб чиқилди:

- “Жарқўргоннефтқайтаишлаш” ҚҚда нефть ва газ конденсати олиш қувватини кенгайтириш” (кредит суммаси – 47,0 млн. АҚШ доллари).
- “Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш электростанциясини барпо қилиш” лойиҳаси (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитининг суммаси - 110,0 млн. АҚШ доллари). Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2014 йил 4 июндаги ПҚ-2183 сонли Қарори билан тасдиқланган;

•“Навоий ИЭСни қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш орқали кенгайтириш” лойиҳаси (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитининг суммаси - 150,0 млн. АҚШ доллари);

•“Навоий-Конимех-Мискин” темир йўл йўналишини барпо қилиш” лойиҳаси (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитининг суммаси – 126,3 млн. АҚШ доллари);

•«24 та локомотивни харид қилиш орқали локомативлар паркини янгилаш” лойиҳаси;

•“Узбектелеком” АҚ: “Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация ва ахборот-коммуникация инфратузилмасининг магистрал тармоқларини ривожлантириш” лойиҳаси (кредит суммаси – 48,8 млн. АҚШ доллари);


•“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАҚ ҳаво кемалари паркини янгилаш ва бирхиллаштириш” лойиҳаси (2 та “Боинг-787-800” самолётларини сотиб олиш).

•“Халқаро даражадаги “INTERSERVIS” Республика хўжалик ҳисобкитоб ташки савдо бирлашмаси (РХХТСБ) ДК меҳмонхона мажмуини модернизация қилиш” лойиҳаси (кредит суммаси 15,0 млн. АҚШ доллари) ва бир қатор бошқа лойиҳалар;

Шу билан биргаликда, ТИФ Миллий банкининг ресурс базаси таркибини узоқ муддатли маблағлар билан янада кўпайтириш, республика фонд бозорини юридик шахслар учун қулай бўлган янги молия инструментларини чиқариш йўли билан янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2015 йилда 20,0 млрд. сўм миқдоридаги

юридик шахсларга мўлжалланган депозит сертификатлари эмиссияси рўйхатдан ўтказилди ва потенциал инвесторлар орасида тўлиқ жойлаштирилди.

Хозирги вақтда Банкнинг жами 158,4 млрд. сўмлик қарз қимматли қоғозлари муомалада юрибди ва улардан 100 млрд. сўми муддатли корпоратив облигациялардир.



18-расм. ТИФ Миллий банки Тармоқлар бўйича қимматли қоғозлар портфелининг тузилиши²⁷

Корхонани кўпинча иқтисодий тизимнинг асосий бўгини деб аташади. Бунга мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг аксарият қисми айни корхоналар улушига тўғри келиши сабабдир. Бошқа томондан эса, корхона одамлар иқтисодий ҳамкорлик қиласидиган асосий соҳа ҳисобланади.

Банклар корхоналарга инвестициялар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш ва янги иш ўринларини вужудга келтириш йўли билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашда кўрсатаётган ёрдами мухим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг “Иқтисодиёт реал

²⁷ Ўзмиллийбанк йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли Фармони қўйилган вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-куватлашда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, банкрот корхоналарни соғломлаштиришда фаол қатнашмоқда. Мамлакат Президентининг фармонига мувофиқ Банк олиб бораётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бераяпти.

Хозирги кунда корхоналарни реструктуризациялаш уларни молиявий соғломлаштириш ва барқарор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг самарали ва энг муҳим усулларидан бири ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришни ташкил этиш такомиллаштирилиши, кувватлар модернизациялананиши, чиқарилаётган маҳсулот турлари такомиллаштирилиши, ташқи ва ички инвестициялар жалб қилиниши кўзда тутилади.

2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, 67та иқтисодий ночор корхона Миллий банк балансига ўтказилган. Уларни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 157 млрд. сўмдан ортиқ маблағ инвестиция сифатида йўналтирилган.

Хозирда 35та корхона, шу жумладан Миллий банк уларнинг устав фондларига қўшган 585,6 млрд. сўм миқдоридаги улушлар янги инвесторларга, хусусан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйишида, чиқарилган маҳсулотни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бўлган хорижий инвесторларга сотилди.

Янги ташкил этилиб, иқтисодиётнинг турли секторларида ишлаётган амалда барча корхоналар – йирик тўқимачилик корхоналари, гилам маҳсулотларини тўқувчи корхоналар, кувурлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, шойи ишлаб чиқарувчи ва бошқа кўплаб йирик корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ жўшқин ривожланиш йўлини тутиб, Банкка ҳам, жамиятга ҳам

иқтисодий ва ижтимоий фойда келтира бошлади. Хусусан 2009-2016 йилларда:

- Қашқадарё вилоятида жойлашган «Oq Saroy Textile» МЧЖда 103,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 54,4 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 581та иш ўрни яратилди;
- Тошкент вилоятида жойлашган «Chinoz Textile» МЧЖда 83,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 36,1 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 574та иш ўрни яратилди;
- Хоразм вилоятидаги «Horazm Gilamlari» МЧЖда 38,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 377,9 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 685та иш ўрни яратилди;
- Тошкент шаҳридаги «Asia Pipeplast» МЧЖда 5,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 94та иш ўрни яратилди;
- Андижон вилоятидаги «Asaka Mak» МЧЖда 10,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 96та иш ўрни яратилди;
- Андижон вилоятидаги «Royal Silk» МЧЖда 7,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 267,4 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 70тадан ортиқ иш ўрни вужудга келтирилди.

“Фарғона фуранли бирикмалар кимё заводи” УК ва “Агрокерамика” ҚҚ каби собиқ банкрот корхоналар мисолида ҳам молиявий соғломлашиш тенденциясини кузатишимииз мумкин.

Банкрот бўлган “Фарғона фуранли бирикмалар кимё заводи” УК негизида Миллий банк томонидан «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ ташкил қилинди. Унинг ишлаб чиқариш фаолияти 2012 йил декабрь ойида қайта тикланди. Албатта, корхонани инвестицияларсиз ҳаётга қайтаришнинг имкони йўқ эди. «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖда ишлаб чиқаришни тиклаш ва уни зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун Миллий банк 1,7 млрд. сўм миқдорида пул маблаглари ажратди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган даврнинг ўзида жами 2,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 729,6 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт

қилинди. Ҳозирги вақтда янгитдан ташкил қилинган корхонада 500дан зиёд мутахассис доимий иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, чиқарилаётган маҳсулот турларини қўпайтириш ва ҳажмини ошириш мақсадида, ҳозирги кунда корхонада йилнинг исталган фаслида автомашиналарнинг пешойналарини ювиш учун мўлжалланган музламайдиган суюқлик ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинаяпти.

Банкрот бўлган «Агрокерамика» ҚҚ негизида ташкил қилинган «Keramik Modern» МЧЖ Миллий банк томонидан олиб борилаётган самарали фаолиятга яна бир ёрқин мисол бўлиши мумкин. Мазкур корхонанинг асосий фаолият тури сопол плиталар ишлаб чиқаришдан иборатdir.

Корхонада ишлаб чиқаришни тиклаш, уни модернизациялаш ва зарур айланма сармоя билан таъминлаш мақсадида, Миллий банк томонидан 1,6 млрд. сўм микдорида пул маблағлари ажратилди. Амалга оширилган таъмиrlash-тиклаш ишлари натижасида 2010 йилнинг май ойида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва ўтган шу даврда жами 4,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 79та иш ўрни вужудга келтирилди.

Технологик жиҳатдан янгиланиб, фаолияти банк инвестициялари ҳисобига тикланган корхоналар, табиийки, янги инвесторларнинг эътиборини жалб қиласди. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг бозор қийматини аниқлаш учун Миллий банк томонидан мустақил баҳолаш компанияси жалб этилди ва Банкнинг «Keramik Modern» МЧЖ устав фондидаги 100 фоизлик улуши «Республика мулк маркази» ЁАЖ орқали биржа савдоларига қўйилди. Натижада корхона янги мулқдорга эга бўлди.

Иқтисодий қийинчиликларга дуч келган янги корхоналарнинг активларини самарали бошқариш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек тикланган корхоналарни сотиб олиш истагидаги инвесторларни

излаб топиш учун Банк иккита шуъба инвестиция компанияси – «NBU Investment» ва «NBU Invest Group»ни ташкил қилди.

Ишлаб чиқаришни тиклаш учун Миллий банк ва инвестиция компанияларининг мутахассислари ҳар бир корхонани синчилаб ўрганадилар, уни бундан буён ривожлантириш истиқболларини аниқлайдилар, фаолиятини мониторинг қиласадилар, сотув каналлари ва етказиб берувчилар билан алоқаларни бошқариш усулларини такомиллаштирадилар, харажатлар ва иш самарадорлигини таҳлил қиласадилар, малакали мутахассисларни танлайдилар ва кўплаб бошқа ишларни бажарадилар.

2014 йил 1 январь ҳолатига Банк томонидан корхоналар акциялари ва улушларини сотиб олиш йўли билан уларнинг устав капиталига йўналтирилган жами қўйилмалар 1068,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳолбуки, мазкур кўрсаткич ўтган йил бошида 799,3 млрд. сўм эди. Хисобот йилида Банк инвестиция портфелидаги ўсиш 269 млрд. сўмни ташкил этди. Бунга асосан Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4053-сонли Фармони ҳамда 2008 йил 19 ноябрядаги “Иқтисодий ноchor корхоналарни тижорат банкларига сотиши тартибини тасдиқлаш тўғрисида” Р-4010-сонли Фармойишини бажариш доирасида макроиктисодий мувозанатни ҳамда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишлашини таъминлаш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижасида эришди.

2014 йил 1 январь ҳолатига банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни замонавийлаштириш ва зарур айланма капитали билан таъминлаш учун жами 208,1 млрд. сўм, шу жумладан 2013 йилда 50,6 млрд. сўм микдоридаги маблағлар инвестицияланди.

Ўтказилган ишлар натижасида 2014 йил 1 январь ҳолатига банк балансида бўлган фаолияти қайта тикланган корхоналарда 566 млрд. сўмлик

маҳсулот ишлаб чиқарилди, 133,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди, шу жумладан, 2013 йилга мувофиқ равишда 170,4 млрд. сўм ва 34,3 млн. АҚШ доллари тўғри келди. Корхоналарда 7973та иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, Банк банкрот корхоналар мулки негизида ташкил этилган шуъба корхоналарнинг активларини “NBU Invest Group” ОАЖ ва “NBU Investment” ОАЖ инвестиция компаниялари орқали самарали бошқариш тизимини йўлга қўйган. Мазкур инвестиция компанияларига банкрот корхоналар негизида ташкил этилган 39та шуъба корхона ишонч асосида бошқариш учун топширилган.

2014 йил хисобот даврида Ўзмиллийбанк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ф-4010-сонли Фармойишига мувофиқ банк балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган шуъба корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари давом эттирилди. Шу билан бирга банк инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, стратегик жиҳатдан муҳим корхоналарнинг акциядорлари ва қатнашчилари таркибига кириш йўли билан корхоналарни модернизациялаш, технологик ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашда банк иштирокини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Жумладан 2015 йил 1 январь ҳолатига акциялар ва улушларни харид қилиш йўли билан корхоналар устав капиталига инвестиция қилинган банкнинг умумий қўйилмалари 901,0 млрд. сўмни ташкил этди.

2015 йил 1 январь ҳолатига Банк балансига қабул қилинган **68 та** корхона мулкидан:

- **40 та** корхонанинг мол-мулки янги мулқдорларга сотилди;

- 27 ма корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва салоҳиятли инвесторларга сотиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган ишлар натижасида 2015 йил 1 январь ҳолатига банк балансида бўлган фаолияти қайта тикланган корхоналарда 392,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 40,7 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди, шу жумладан, 2014 йилга мувофиқ равища 152,7 млрд. сўм ва 26,1 млн. АҚШ доллари тўғри келди. Корхоналарда 4,8 мингта иш ўрни яратилди.

Банкрот корхоналарнинг банк балансига қабул қилинган мол-мулкини сотиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида, ҳозирги кунга қадар 40 та корхонанинг мулки 596,4 млрд. сўм эквиваленти қийматига сотилди. Шундан, тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ инвесторлар томонидан 216,5 млрд. сўм эквиваленти миқдоридаги тўловлар тўлаб берилди.

2015 йилда ТИФ Миллий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053 сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-4010 сонли Фармойишига мувофиқ Банк балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган шўъба корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари давом эттирилди. Шу билан бирга ТИФ Миллий банки инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, стратегик жиҳатдан муҳим корхоналарнинг акциядорлари ва қатнашчилари таркибига кириш йўли билан корхоналарни модернизация қилш, технологик ва техниковий жиҳатдан қайта жихозлашда банк иштирокини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2016 йил 1 январь ҳолатига акциялар ва улушларни харид қилиш йўли билан корхоналар устав капиталига инвестиция қилинган Банкнинг умумий қўйилмалари 791,0 млрд. сўмни ташкил этди.

2016 йил 1 январь ҳолатига Банк балансига қабул қилинган **68 та** корхона мулкидан:

- **60 та** корхонанинг мол-мулки янги мулқдорларга сотилди;
- **8 та** корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва салоҳиятли инвесторларга сотиш ишлари олиб борилди.

Корхоналарда ишлаб чиқариши тиклаш, модернизация қилиш ва уларни зарурий айланма сармоя билан таъминлаш учун жами 264,2 млрд. сўм миқдорида, хусусан 2015 йилда 10,0 млрд. сўм миқдорида маблағлар инвестиция қилинган.

Банкрот корхоналарнинг банк балансига қабул қилинган мол-мулкини сотиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги қунга қадар 60 та корхонанинг мулки 1011,7 млрд. сўм эквиваленти қийматида сотилди. Шундан, тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ инвесторлар томонидан 318,1 млрд. сўм эквиваленти миқдоридаги тўловлар тўлаб берилди.

Шундай қилиб, паст рентабелли корхоналарни соғломлаштириш ва қўллаб-куватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг ташқи таъсирларга нисбатан барқарорлигини таъминлаш имконини бераяпти, иқтисодиёт барқарор ривожланиши, экспорт ҳажмлари оширилиши, янги иш ўринлари вужудга келтирилиши учун шарт-шароит яратаяпти ва шу аснода аҳолининг турмуш даражасини оширмоқда. Шундай экан, ҳозирги кунда ғоят муҳим бўлган банкрот корхоналарни соғломлаштиришдек ушбу иш келгусида ҳам Миллий банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бирилигича қолади.

2.3. ТИФ Миллий банки балансига олинган иқтисодий начор корхоналар фаолиятини молиявий согломлаштириш жараёнларининг таҳлили

Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий начор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси ўзини

тўла оқлади. Тижорат банкларининг молиявий, ташкилий имкониятларидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда кенг фойдаланиш механизми янгилик бўлиб, дунё банк тажрибасида қўлланилмаган эди. Ушбу усулга кўра, тижорат банклари банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдолари орқали сотиб олдилар; бунда банклар ўз балансига олган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилдилар; кейинчалик банклар мазкур корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сота бошладилар.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш механизми янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш баробарида, банкротлик туфайли хизматчиларга ўз вақтида берилмаган ойлик маошларни, таътил пулларини қоплаб беришдек муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳам бажарди.

Таъкидлаш ўринлики, тижорат банклари балансига қабул қилинган корхоналар фаолиятини тиклаш ва уларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлар – иқтисодий ночор корхоналар негизида янгидан ташкил корхоналар рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 3 йилгacha қўшилган қиймат солиғи, молмулк солиғи, ер солиғи, даромад солиғи ва ягона солиқдан озод этилганлиги, ушбу солиқ имтиёзларининг янги мулкдорларга ҳам 3 йилгacha амал қилиниши ижобий самара берди.

Ҳозирги пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартағи, 71-сонли “Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга ва банклар томонидан корхоналарни янги инвесторларга сотишни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ равишда фаолияти қайта тикланган корхоналарни салоҳиятли

инвесторларга сотиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш тијорат банкларининг инвестиция фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини янада модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмларини кўпайтиришга шароит яратади.

Ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланган корхоналарни стратегик инвесторларга сотишда хукумат томонидан бир қатор рағбатлантирувчи чоралар кўзда тутилган. Жумладан, тијорат банклари балансидаги 33 та корхона аукцион савдосига қўйилади, аукцион савдоси бўлмаган деб эълон қилинган тақдирда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан бозор қиймати бўйича сотилади.

Аукцион савдоси бўлмаган деб эълон қилинган ва тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш натижалари бўйича инвесторлар томонидан қизиқиши бўлмаган тақдирда, корхоналарнинг бозор қиймати баҳосини босқичмабосқич пасайтириш механизми қўлланган ҳолда сотилиши мумкин.

Яъни кимошди савдоси бўлмаган деб эълон қилинган ва тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш натижалари бўйича инвесторлар томонидан қизиқиши бўлмаган тақдирда — объектларни бозор қийматини босқичмабосқич 10 фоизга пасайтириш (бироқ улар бозор қийматининг 50 фоизидан ортиқ эмас) механизмини қўллаган ҳолда акциядорлар умумий йиғилишининг ёки тијорат банки кенгашининг қарорлари бўйича кейинчалик сотиш мумкин.

Инвесторлар сотувга қўйилган барча корхоналар бўйича тўловларни бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фоизлар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўлашига рухсат берилган.

Қарорда тијорат банклари балансидаги аукцион савдосига қўйиладиган 33 та корхонадан 27 таси ТИФ Миллий банкига тегишлидир (3-жадвал)

**ТИФ Миллий банкининг устав фондларидағи улушлари
мавжуд бўлган ва сотиладиган корхоналари руйхати²⁸**

№	Корхоналар номи	Берилган кредитнинг дастлабки суммаси		Мулкни банкга ўтказилган сана	банкга ўтказилган мулк қиймати (млн сум.)	Сотиш баҳоси (млн сум.)	Банкка бўлган умумий қарздорлик (млн сум.)
		сумма (млн)	валюта кредита				
1.	МЧЖ «Kinder Fruits» (олдинги ОАЖ «Болалар таомлари Холдинг», АО «Каттакурган фирмаси» и МЧЖ «Agromir Gazalkent»)	54,4	долл. АҚШ	26.01.2009 г.	12 481,4	15 984,7	194 360,7
		3,4	евро				
		215,0	сум	08.01.2010 г.	795,1		
2.	МЧЖ «Asia Pipeplast» (олдинги КК ЗАО «Хобас-Тапо»), Ташкент	112,7	нем. марки	30.12.2008 г.	45 635,6	45 668,0	136 907,9
3.	МЧЖ «Registon Plaza» (олдинги ҚҚ «Узолмонхотелс»), Самарканд вилоят	27,8	евро	30.12.2009 г.	31 787,7	31 894,7	18 638,5
4.	МЧЖ «Xorazm Palace» (олдинги ҚҚ «Узолмонхотелс»), Хорезмвилоят			30.12.2009 г.	21 414,7	21 768,2	20 346,9
5.	МЧЖ «Toshkent Qog'ozи» (олдинги ОАЖ «Узбек когози»), г. Ташкент	904,6	сум	29.12.2009 г.	22 202,8	23 153,5	8 316,2
		1 328,0	сум				
		10,6	евро				
6.	МЧЖ «Farg'ona Kimyo Zavodi» (олдинги ГУП «Ферганский химический завод фурановых соединений»), Ферганская вилоят	6 690,0	сум	28.09.2012 г.	51 060,5	59 142,5	181 625,8
		103,1	нем. марки				
7.	МЧЖ «City Palace» (олдинги ГП «Toshkent shahar hokimligi investitsiya bosh boshqarmasi»), г. Ташкент	180,1	франц. франки	29.03.2012 г.	88 322,9	136 152,6	470,6
8.	ИП МЧЖ «Хайн текс» (покупатель имущества бывшего ОАЖ «Наманган текстиль»)	18,7	евро	23.04.2008 г.	23 629,1	69 459,4	3 439,3
9.	МЧЖ «Horazm Gilamlari» (олдинги ҚҚ «Хива карпет» и АО «Хива гилами»),	26,0	евро	30.12.2008 г.	20 414,4	45 988,5	34 306,6
				30.12.2008 г.	11 729,5		
10.	МЧЖ «Namangan Qog'ozи» (олдинги ҚҚ «Намбум»),	3,8	долл. АҚШ	22.02.2007 г.	3 633,3	3 859,2	9 582,3
11.	МЧЖ «Oq Saroy Textile» (олдинги ҚҚ «Оқ-сарой тукимачи»), Кашкадарё вилоят	6 015,6	япон. иены	24.01.2009 г.	54 385,4	51 347,0	35 413,2
12.	МЧЖ «Kosonsoy To'qimachi» (олдинги ҚҚ «Косонсой текмен»), Наманган вилоят	24,0	долл. АҚШ	30.12.2008 г.	22 636,2	19 831,3	47 424,8
				28.11.2008 г.	877,6		

²⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартағи, 71-сонли “Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга ва банклар томонидан корхоналарни янги инвесторларга сотишни жадаллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Қарори иловаси

3-жадвал давоми							
	МЧЖ	Сумма	Валюта	Даты	Сумма	Сумма	Сумма
14.	МЧЖ «Royal Silk» (олдинги ОАЖ «Булокбоши ипаги»), Андикан вилоят	1,1	долл. АҚШ	28.12.2008 г.	2 761,1	4 386,0	3 476,9
15.	МЧЖ «Chinoz Textile» (олдинги ҚК «Чиноз тукимачи»)	5 696,6	япон. ены	35 376,7	35 544,0	57 574,5	
16.	МЧЖ «Nam Tex» (олдинги ҚК «Аснам текстиль»)	17,6	евро	23.06.2009 г. 09.04.2012 г.	10 787,0	10 203,7	19 753,6
17.	МЧЖ «Kurgan Tex» (олдинги ИП «Миматаш»), Андикан вилоят	30,4	евро	12.08.2011 г.	40 251,0	40 900,4	38 892,5
18.	МЧЖ «Beshariq To'qimachi» (олдинги ҚК «Бестекс»), Ферганская вилоят	16,6	евро	13.09.2012 г.	23 112,7	22 881,6	1 281,6
19.	МЧЖ «Nukus Textile» (олдинги ОАЖ «Катекс»)	2,5	долл. АҚШ	16.10.2009 г.	3 782,5	10 826,0	17 723,3
20.	МЧЖ «Tashkent Palace New» (олдинги ҚК «Tashkent Palace»),	14,3	долл. АҚШ	11.01.2010 г.	26 095,9	33 189,6	32,4
21.	МЧЖ «Nukus Agro» (олдинги предприятие «Каракалпак-томат»)	2,8	долл. АҚШ	26.04.2010 г.	853,4	1 757,0	5 819,1
22.	МЧЖ «Bio Mikrel» (олдинги ҚК «Микрел»), Ташкент вилоят	4,0	долл. АҚШ	26.09.2007 г.	1 299,1	2 179,3	11 792,14
23.	МЧЖ «Asaka Mak» (олдинги ҚК «Фам»)	4,7	долл. АҚШ	29.12.2008 г.	1 938,6	4 434,8	4 832,8
24.	МЧЖ «Vodiy Muzqayumog'i» (олдинги ПКФ «Нилуфар-Д»), Андикан вилоят	1,2	долл. АҚШ	15.08.2008 г.	575,0	670,0	4 163,4
25.	МЧЖ «Asia Sokato» (олдинги ҚК «Аль осиё»), Андикан вилоят	3,2	долл. АҚШ	02.06.2006 г.	563,4	1 461,8	6 753,6
26.	МЧЖ «Fresco» (олдинги ҚК МЧЖ «Effem Jus» и ФХ «Зарзамин»), Ташкент вилоят	3,1	евро	18.08.2009 г.	2 177,7	3 796,8	9 629,7
		235,0	сум	23.09.2010 г.			
		0,6	долл. АҚШ	25.02.2011 г.	240,4		
27.	МЧЖ «Urg Tex» (олдинги ҚК «Хоразм Нуртоп»)	4,8	долл. АҚШ	24.05.2013 г.	7 763,6	7 983,5	5 872,8
	ТИФ Миллий банки бўйича жами				568 584,3	706 087,9	885 298,4

Молиявий соғломлаштирилиши кўзда тутилган умумий кредиторлик қарздорлиги мавжуд ва банклар олдидағи қарздорлиги 70 фоиздан юқори булган 24 та банкрот корхона тижорат банклари балансига берилган. Шундан фаолияти тикланган 23 та корхона янги мулқдорларга сотилган бўлиб, уларнинг 7 таси бўйича тўловлар тўлиқ қопланган. Масалан, Ташқи

иқтисодий фаолият миллий банк балансига ўтган “Хива гилами” ҲЖ ва “Хива Карпет” қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур корхоналар фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, Миллий банк балансига олинган “Хива Карпет” ҳамда “Хива гилами” корхонаси ўрнида “Хоразм гиламлари” МЧЖ ташкил этилди. Ўтган 2016 йили мазкур корхона томонидан 12 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йил охирига қадар бу кўрсаткични 14 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

ТИФ Миллий банки томонидан, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инқироз ёқасига келиб қолган субъектларнинг молиявий қўллаб-куватланаётгани ҳам алоҳида эътиборга лойик. Масалан, бундан бир неча йил аввал пойтахтимиз марказида жойлашган “City Palace” меҳмонхонаси ночор аҳволга тушиб қолгач, у Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансига ўтказилган эди. Мазкур банк томонидан киритилган инвестиция эвазига у яна ўз фаолиятини бошлади. Айни пайтда бу ерда 200 нафардан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда.

ТИФ Миллий банки балансига 28.12.2008 санада Андижон вилояти «Булокбоши ипаги» ОАЖ корхонаси ўтказилган бўлиб, банк томонидан берилган кредитнинг дастлабки суммаси 1,1 АҚШ долл. миқдорида бўлган. Корхона 2 761,1 млн сум қийматида ТИФ Миллий банки балансига ўтказилган. Уни қайта ташкил этиб «Royal Silk» МЧЖ ташкил этилди ва инвестициялар киритиш эвазига унинг 2014 йилдаги сотиш қиймати 4 386,0 млн сумга чиқди. Мисол сифатида «Royal Silk» МЧЖ корхонасининг молиявий- иқтисодий барқарорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилиб, иқтисодий барқарорлигини баҳолаймиз. 2016 йилда Андижон вилоятидаги «Royal Silk» МЧЖда 7,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 267,4 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 70тадан ортиқ иш ўрни вужудга келтирилди. “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гурухларга бўлинади:

иқтисодий барқарор корхона; иқтисодий хатарли корхона; иқтисодий начор корхона: ўз тўлов қобилиятини тиклаш имконятига эга; ўз тўлов қобилиятини тиклаш имконятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида 1.3 параграфда келтирилган корхоналарнинг иқтисодий начорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизимини қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффициенти (K_{tk});
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (K_{xm});
- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (R_{ix}),
- Активлар рентабеллиги. (R_a):
- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти (K_{xk});
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти;
- Эскириш коэффициенти (K_{esk})
- молиявий мустақиллик коэффициенти (K_{ph});

Бу кўрсаткичлар бир қараашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сифими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда кўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қиласи.

1. Тўлов қобилияти коэффициенти (K_{tk}) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Ктқ = \frac{\text{Жорий (айланма)} \\ \text{активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

Агар тўлов қобилияти коэффициенти ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2014 й. $4956913 / 1985123 = 2.49$

2015 й. $5191746 / 2258047 = 2.29$

2016 й. $6232742 / 2163147 = 2.88$

4- жадвал

**«Royal Silk» МЧЖ иқтисодий ва молиявий барқарорликни
ҳисоблаш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015 й.	2016 й.
1. Активларнинг умумий ўртacha қиймати	минг сўм	6904748	7467740	8936885
2. Узоқ муддатли активлар	минг сўм	1947835	2275994	2704143
3. Жорий активлар	минг сўм	4956913	5191746	6232742
4. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	1992429	2607406	2661484
5. Пул маблағлари	Минг сум	5552	6895	177363,5
6. Товар-моддий захиралари	Минг сум	2591784	3405560	3876094
7. Дебиторлар	Минг сум	1224560	1442085	1845870
8. Муддати ўтган дебиторлар	Минг сум	345266	422123	512345

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (K_{xM}) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш

учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидағи муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффициент қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{xm} = \frac{(П1 + Дзк2) - А1}{А2}$$

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

2014 й. $(2564512+2\ 731\ 589,9-2101223)/4956913=0,63$

2015 й. $(2607406 + 2642120 - 2275994)/5191746 = 0,57$

2016 й. $(2661484 + 1915012 - 2404143)/6232742 = 0.50$

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (P_{ux}),

$$P_{ux} = \frac{C\Phi}{MIT}$$

2014 йилда $P_{ux} = 631167/5083353=0.12$

2015 йилда $P_{ux} = 1\ 099\ 384,3/7852745=0.14$

2016 йилда $P_{ux} = 896\ 178,12/5271636=0.17$

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

2014 йилда $P_a = 631167/6904748 = 0.09$

2015 йилда $P_a = 1099384,3/7467740 = 0.14$

2016 йилда $P_a = 896178/8936885 = 0.10$

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти (K_{xk}) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди (бирдан кичик бўлса, корхонада молиявий хавф хатар мавжудлигинг аломати бўлади). Хусусий ва қарзга олинган маблағлар

нисбати коэффициентининг камайиши корхонанинг молиявий хатарини ортишини билдиради. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{xk} = \frac{P1}{P2 - DO}$$

2014 й. 1992429 / (1985123-0) = 1,003

2015 й. 2607406 / (2258047-0) = 1,15

2016 й. 2661484 / (2163147-0) = 1,23

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти (0.5 дан кичик бўлса, корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш паст даражада деб қабул қилинади):

$$K_{kf} = \frac{Q_{\text{хақиқий}}}{Q_{\text{лойиҳа.}} - (Q_{\text{ижара.}} + Q_{\text{консерв.}})}$$

2014 й. 5596 730 / (5645879-0) = 0,99

2015 й. 8755 790 / (9123400-0) = 0,95

2016 й. 7584 589 / (7315000-0) = 0,99

7. Эскириш коэффиценти (Кэск) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади (асосий воситаларни эскириш коэффиценти 0.5 дан юқори бўлмаслиги лозим):

$$K_{esk} = A_{\text{в.эс}} / A_{\text{в.бк}}$$

2014 йил 648976 / 1946928 = 0.33

2015 йил 758415 / 2275196 = 0.34

2016 йил 900123 / 2703560 = 0.33

Қуйидаги 5-жадвал маълумотларига кўра, корхонанинг иқтисодий барқарорлик ҳолатига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда коэффициентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, Тўлов қобилияти коэффициенти 2014 йилга нисбатан 0.39 коэффициентга ўстган. Ҳар бир йил учун тўлов қобилияти коэффициенти ҳисбот йилининг охирида 1.25 дан юқори бўлган. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик

коэффициенти давр охирида -0,13 пунктга камайган, бу ўз навбатида белгиланган меъёрдан, яъни 0.2дан анча юқори.

5- жадвал

«Royal Silk» МЧЖ корхонасининг 2014-2016 йиллардаги молиявий-иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2014 йилга	2015 йилга	2016 йилга	2016 йили 2014 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
1. Тўлов қобилияти коэффициенти	2.49	2,29	2.88	+0,39
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти	0,63	0,57	0.50	-0.13
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.12	0.14	0.17	0.05
4. Активлар рентабеллиги	0.09	0.14	0.10	+0.01
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти	1,003	1,15	1,23	+0,227
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти	0,99	0,95	0,99	-
7. Асосий воситаларни эскириш коэффициенти	0.33	0.34	0.33	-

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди
 Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ҳам меъёрдаги 0.05дан ҳар йили юқори бўлган. Даврнинг охирида +0.05 пунктга ортган. Активлар рентабеллиги давр охирида 2014 йилга нисбатан кескин ўзгармаган бўлиб, 2015 йили меъёрга нисбатан энг юқори бўлган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти 2016 йили давр бошидан +0,227 пунктга ортган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг қиймати ҳар бир йил охирида бирдан юқори бўлган, бу корхонада молиявий хавф хатар (risk) мавжуд эмаслигининг аломатидир. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти ҳар йили 0.5 дан

юқори бўлган. Корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш юқори даражада деб қабул қилиш мумкин. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти 0.5 дан юқори бўлмаган, яъни меъёрлар даражасидадир.

Мазкур коэффициентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий 2015 йилга нисбатан 2016 йилда бир текис ижобий ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг иқтисодий барқарорлик коэффициентлари ўрганилганда, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши ижобий бўлган.

2-боб бўйича хulosалар

Молиявий соғломлаштирилиши кўзда тутилган умумий кредиторлик қарздорлиги мавжуд ва банклар олдидаги қарздорлиги 70 фоиздан юқори булган 24 та банкрот корхона тижорат банклари балансига берилган. Шундан фаолияти тикланган 23 та корхона янги мулқдорларга сотилган бўлиб, уларнинг 7 таси бўйича тўловлар тўлиқ қопланган. Масалан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк балансига ўтган “Хива гилами” ҲЖ ва “Хива Карпет” қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Молиявий мустаҳкамлик корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигига корхоналарнинг бутун хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма йўналишлари таъсир қўрсатади. Унга ҳам ички, ҳам ташқи омиллар, шарт-шароитлар таъсир этади. Ички омиллар сифатида куйидагиларни кўрсатишимиш мумкин:

- корхонада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- корхона устав жамғармасининг ҳажми;
- корхона харажатлари ва даромадларининг нисбати;
- ўзлик маблағларининг манбалари ва корхона мажбуриятларининг нисбати;
- корхона айланма маблағлари таркиби.

III БОБ. Иқтисодий nochor корхоналарни тижорат банклари томонидан молиявий соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

3.1. Иқтисодий nochor корхоналарни фаолиятини молиявий соғломлаштиришда корхонани реструктуризация қилиш ва молиявий даромадларни ошириш усулларини қўллаш

Иқтисодиёт реал сектори молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий nochor корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва уларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бугунги кунда корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш, бу йўналишда давлатнинг иштирокини фаол таъминлаш, қонунчилик асосларни мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади.

Фарб корхоналарида таркибий ўзгаришлар зарурат туғилишига қараб, доимий ўтказилиб турилади. Таşқи мухитда юз берадиган ўзгаришлар ва ноаниқликларга мослашиш вазифаларини фирмалар бошқариш тузилмаси ва функцияларини мажмуавий тарзда ислоҳ қилиш йўли билан ҳал этадилар. Бунда энг самарали усуллардан бири қайта таркиблаш ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, корхона рақобатбардошлигини оширишнинг бошқа воситаларидан қайта таркиблашнинг фарқли жиҳати шундаки, у барча соҳаларда рақобат афзалликларини шакллантириш, саклаб туриш ва ошириш мақсадида корхона фаолиятини ўзгаришига қаратилган мажмуавий ва доимий жараёндир.

Кейинги вақтларда «ислоҳ қилиш» ва «реструктуризация қилиш», тушунчалари кенг ишлатилиб, бу тушунчалар тез-тез бир-бирига кўшилиб, бир томонлама тушунирилмоқда. “Қайта таркиблаш” атамаси тўғридан-тўғри таржима қилинганда “бирор-бир нарса тузилишини ўзгаришиш усули”

деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан бу атама бизнес юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, бошқаришнинг ташкилий тузилмаси ёки иқтисодий тизим (мамлакат, минтақа, корхона иқтисодиёти)нинг алоҳида унсурлари ўзгаришини ифодаловчи “реорганизация” (қайта ташкил этиш), ислоҳ қилиш тушунчаларига яқин маънони англатади.

Кўпгина расмий ҳужжатларда корхонани реструктуризация қилишга йўналтирилган корхона фаолияти тамойилларининг ўзгариши ислоҳ қилиш каби тушунилади, лекин корхонанинг намунавий ислоҳ этиш дастурида реструктуризация қилиш йўли орқали ислоҳ қилишдан қўзланган мақсадга эришилади дейилган. Расмий изоҳларга таяниб кўпгина муаллифлар реструктуризация қилиш корхонани ислоҳ қилиш воситаси ҳисобланади ёки «ислоҳ қилиш» ва «реструктуризация қилиш», тушунчаларини ёнма-ён қўйиб, ислоҳ қилишни корхонани қайта ташкил қилиш стратегиясига киритишиади ва реструктуризация қилиш эса корхона тузулмасини ва улар томонидан яратиладиган маҳсулотни ўзгаришини ифодалайди деб холоса чиқаришиади. Албатта, монография муаллифининг фикрига қўшилмаслик қийин, лекин като ишонч билан айтиш мумкинки, реструктуризация - бу корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш воситаларидан бири бўлиб, умумий ислоҳ қилиш дастурининг бир қисми ҳисобланади.

Реструктуризация тадбирларига ажратиб чиқариш, бўлиниш, қўшиб юбориш, шўъба корхоналарини ташкил этиш, масъул марказлар, бошқарув системасини қайта ташкил қилиш, назорат олиб бориш, мулкчилик шаклини ўзгартириш киради. Реструктуризация қилиш кераксиз ва зарар келтираётган фаолият турларини тутгатиш ҳисобига харажатларни камайтириш ва бошқарув, умуман барча ходимлар сифатини оширишга йўналтирилган, аммо бу ҳисоб тизими ва фаолиятни самарали баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этишни талаб қиласди. Реструктуризация қилиш кенг қамровли ва ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндисини, ташкилий структурасини қайта ташкил

етишдан тортиб, замонавий бошқарув элементлари қўшилган бизнес жараёнларни ўзида мужасаммлаштиради.

Умуман олганда шуни таъкидлаш керакки, реструктуризация корхонанинг ўзини мақсади эмас, балки қўпгина корхоналар учун молиявий танглик ҳолатдан чиқиб кетишининг йўли ҳисобланади. Корхонада оғир молиявий танглик ҳолати, банкротлик аломатларининг юзага келиш хавфи ёки корхона мулки ва обрўсидан айрилиши, асосий ишлаб чиқаришнинг паст рентабеллиги, инвестиция жалб этиш имкониятининг йўқлиги реструктуризация қилишни талаб этади. Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларнинг мавжудлиги бир қатор сабаб билан изоҳланади. Корхонани танг ҳолатга олиб келган ички сабаблар:

- бошқарувнинг самарасизлиги;
- капитализациянинг етишмаслиги;
- қарзнинг кўплиги;
- маҳсулот янги турларининг етишмаслиги;
- малакали мутахассисларни сақлаб қолишга рағбатлантиришининг пастлиги;
- режалаштиришдаги камчиликлар;
- бошқарув ахборот тизимидағи камчиликлар;
- асосий бозорга кира олмаслик;
- ўз вақтида қилинадиган ички ҳисботнинг йўқлиги ва бошқалар.
- Корхоналарнинг ёмонлашишига қуидаги ташқи сабаб бўлиши мумкин:

- макроиктисодий ва сиёсий рисклар;
- тармоқлар шароити; қонунчиликни такомиллаш-тирилмаслиги;
- юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- юқори рақобатчилик муҳитининг айниқса, чет эл ишлаб чиқарувчиларининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар бозорининг қисқариши;

- табиий оғатлар ва бошқалар.

Айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган ички ва ташқи тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади. Умуман, яхшилаш деганда бизнеснинг қийматини максималлаштиришга кўмаклашувчи тадбирлар мажмуаси тушунилиб, ички яхшилашга маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни етказиб бериш жараёни бошқарилишини такомиллаштириш, асосий ва айланма маблағларга қўйилмалар қилиш, ташқи яхшилашга корхонанинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш киради.

Шундай қилиб, муваффақиятли реструктуризациянинг икки шарти мавжуд:

- ўз маблағлари қийматини ўсиб бориши;
- ўз маблағлари рентабеллиги даражасини унинг қийматидан ошиши.

Шундай қилиб, реструктуризация қилишнинг асосланган вариантини танлаш учун мулкдор авваламбор, қўйилма қилинаётган объектнинг ҳақиқий қийматига нисбатан бизнеснинг инвестицион қийматини оширишга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Реструктуризация қилиш жараёнини бошламасдан олдин қандай натижা олиниши, компания фаолиятида қандай туб ўзгаришлар юз бериши ҳақида аниқ режа ва тўлиқ тасаввур бўлиши лозим, бунда вақтинчалик танглик ҳолатларини ҳал этиш учун қилинган ишлар компаниянинг узоқ муддатга мўлжалланган фаолият стратегиясини барбод қилмасдан, балки уни қўллаб - қувватлаш учун хизмат қилиши керак.

Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг яна бир усулларида бири хўжалик фаолиятини диверсификациялаш ва молиявий даромадларни ошириш ҳисобланади. Корхоналарни молиявий соғломлаштиришда уларнинг молиявий даромадларини ошириш жуда муҳим саналади. Корхоналарда ушбу мақсадларга самарали эришишда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

1. Малакали молиявий менежерларни жалб қилиш. Молиявий менежер бизнес эгасининг ёлланма ишчиси бўлиб, унинг манфаати йўлида хизмат

қилади. Молиявий менежер корхонага юқори даромад келтирадиган жозибадор инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини ва усулларини аниқлаш, корхонанинг ликвидлигини самарали бошқариш, инвесторлар манфаатига мос келадиган ҳолда фойдани тақсимлаш сиёсатини танлаш орқали ўз иш берувчиси бойлигини максималлаштиришга хизмат қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнес эгаларининг бойлигини максимизацияси ва корхонанинг стратегик мақсадларига эришиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, корхона бошқарувчилари ўз олдига узоқ муддат давомида даромадликни ошириш имкониятига эга бўлган стратегик мақсадларни кўйишини талаб қилади. Корхона учун энг муҳим ресурс пул ҳисобланади, чунки уни исталган бошқа активга айирбошлиш имконияти мавжуд. Кредитлар бўйича фоизлар ва дивиденdlар ҳам пул кўринишида тўланади. Молиявий менежер келажакда номаълум бўлган пул кирими ва чиқимларини баҳолаш ва режалаштириш билан бевосита шуғулланади. Савияси юқори менежер корхонага юқори даромадлиликни ўз билим ва кўникмалари билан таъминлаши мумкин.

2. Корхона капитали ва даромадини дисконтлаштириш. Дисконтлаштириш келажакда олиниши мумкин бўлган сумманинг ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олиниши кутилаётган суммада мураккаб фоиз бўйича маълум муддатга жамланган даромадни айриш керак. Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси қийматини баҳолашда, қимматбаҳо қофозларнинг қийматини аниқлашда, банк, суғурта, валюта амалиётида ва бошқа ҳолларда кенг қўлланилади. Даромадни дисконтлаштириш келажакда пул тушумларини (фойда, фоизлар, дивиденdlар) баҳолаш учун қўлланилади. Инвестор келгусида режалаштирилган даромад даражасидан келиб чиқсан ҳолда лойиҳага максимал микдорда молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини тўғри баҳолаши керак акс ҳолда кутилган мақсадларга эришиш имконияти бўлмайди.

3. Молиявий рискни кўчириш усулларидан фойдаланиш. Рискни кўчириши- юқори рискли лойиҳаларни ўз зиммасидан рискни тўлиқлигича ёки қисман бошқа бошқа субъект, активга ўтказишдир. Рискни кўчиришнинг 3 асосий усули мавжуд- хеджирлаш, сугурта ва диверсификация.

Хеджирлаш- нархларнинг салбий ўзгаришларни олдини олиш мақсадида олдиндан тузиладиган биржадаги битимлар ҳисобланади. Яъни корхона олдиндан битим тузган холда нархни белгилаб келгусида шу нарх бўйича савдо қиласди. Нархлар кескин тушиб кетганда ҳам корхона битимда қатъий белгиланган нарх асосида савдони амалга оширади. Шуни ҳам тъкидлаш жоизки, хеджирлаш келгусида олиниши мумкин бўлган даромаддан воз кечтириш имкониятига ҳам эга. Чунки нарх доимий равишда тебраниб туради.

4. Факторинг операцияларидан фойдаланиш. Факторнинг- ҳисобкитобларни ташкил этиш соҳасидаги янги хизмат турларидан бўлиб, корхонанинг (мижознинг) айланма капиталини кредитлаш билан мувофиқлашади. Факторинг операциясининг асосий мақсади мижозларининг қарздорлигини ўз вақтида инкасса қилиш, тўловларини ўз муддатида олиб бориш, шубҳали қарздорликларини пайдо бўлишини олдини олиш, мижозларининг ликвидлигини ошириш ва уларнинг молиявий рискларини пасайтиришдан иборатдир. Бундай операцияларни одатда маҳсус факторинг фирмалари амалга оширади. Улар банклар билан зич боғланган ёки уларнинг ихтисослашган филиаллари ва компаниялари ҳисобланади.

5. Инновацион технологияларни жорий қилиш. Инновация деганда, янги технологиилар, маҳсулот ва хизмат турлари, ишлаб чиқариш, молия, тижоратга оид, маъмурий ёки бошқача хусусиятга эга бўлган ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ечимлар кўринишидаги янгиликлардан даромад олиб фойдаланиш тушунилади. Яратилган исталган янгилик корхона фаолиятига кескин таъсир қилиб ўз рақобатчиларидан бир қадам олдин юриш имконини беради ва бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олган ҳолда юқори натижаларга эришади.

3.2. Корхоналарда инқирозга қарши бошқариш жараёнини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари

Инқирозга қарши бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмларининг умумий ва ўзаро боғлиқ равишда таъсир кўрсатиши корхона фаолиятининг самарадорлигини белгилаб беради. Инқирозга қарши бошқариш таркибий қисмларини ва тадқиқот ўтказиш соҳаларини бундай чегаралаш етарли даражада умумлаштирилган ҳисобланади ва олинган натижалар корхонадаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатига ва мураккаб шароитда амалдаги бошқарув тўғрисидаги тасаввурга бирмунча яқинлашади. Гап шундаки, назарий жиҳатдан тадқиқот соҳаларини чегаралаш имконияти мавжудлигига қарамай, амалиётда корхонани бошқаришнинг барча қисмлари ўзаро боғланган ва бир бирига аралашиб кетган. Ушбу мураккаб тизимларнинг алоҳида қисмларини тадқиқ этиш фақат алоҳида тафсилотлар ҳақида тасаввур беради.

Муҳитнинг ўзгарувчанлиги даражаси тўғрисида олинган натижаларни исталган корхонани бошқариш тизимини, ҳал этилиши лозим бўлган муаммони ва зарур ҳаракатлар тизимини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот обьектидаги таҳлилни юқорида баён этилган тамойиллардан келиб чиқиб ўтказиш лозим. Корхона ресурсларига ва фаолиятнинг стратегик муҳим соҳаларига асосланган ҳамда доимо нисбий ҳисобланган унинг заиф ва қучли томонларини аниқлаш, шунингдек рақобатчиларни таҳлил қилиш рақобат жиҳатдан устунликларни аниқдаш имконини беради. Стратегик муаммо уни англаб этишни, аниқлашни ва муаммони ҳал этишнинг муайян усулларини кўзда тутувчи аниқ лўнда ифодаланишни назарда тутади.

Ўзбекистон саноат корхоналарининг умумий стратегик муаммолари, юқорида таъкидланганидек, қўйидагилардан иборат: менежмент, корхона ва унинг маҳсулотининг раҳобатбардошлиги, нарх-наво сиёсати. Тадқиқот обьекти учун бир стратегик муаммони қайд этиш лозим, мазкур ҳолатда бу менежмент, чунки инқирозга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми тадқиқот предмети ҳисобланади. Шу муносабат билан бошқарув

тизими унинг ташқи мухит ўзгарувчанлигига мос келиши, ташкилий салоҳияти ўрганиб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Шунингдек, корхона фаолияти турини аниқлаш зарур. Ушбу таҳлил уч элементли гуруҳлар боғлиқлигини ўзида мужассам этади: корхона фаолият кўрсатиши мухитининг ўзгарувчанлик даражаси - стратегик фаоллик, корхонанинг оптималлаштирувчи салоҳияти - салоҳиятнинг амалга оширилишини таъминловчи ички ресурслар. Шунингдек, ушбу гуруҳлар учта даражада намоён этилади. Биринчи даража корхона фаолияти соҳасида атроф мухитнинг бекарорлик даражасини тавсифлайди. Иккинчи даража корхона қўллайдиган стратегиясини тавсифлайди. Учинчи даража корхоналар таснифини ва уларнинг очиқлик даражаси тавсифини ўзида мужассамлаштирган. Тадқиқотни ўтказиш қулай бўлиши учун ҳар бир даражанинг мазмунига аниқликлар киритилган. Жумладан, тадқиқ этилаётган корхонада бошқарув амалиётига реал мос келишувчи ва мухит ўзгарувчанлиги даражасига мувофиқ муваффақиятли фаолият юритиш учун зарур бўлган хусусиятларни аниқлаш зарур. Сўнgra корхонанинг исталган ва мавжуд имкониятлари ўртасидаги узилишни аниқлаш лозим.

Параметрик таҳлил олдида турган вазифалар мажмуи унинг мазмуни, моҳияти ва предмети ҳисобланади. Корхонани инқирозга қарши бошқариш нуқтаи-назаридан энг долзарб вазифалар сифатида таҳлилнинг мухим вазифалари жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин: 1) фаолиятнинг асосий параметрлари бўиича молиявий қодирликни экспресс-диагноз қилиш; 2) молиявий қодирлик ва молиявий барқарорликни батафсил таҳлил қилиш. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши ишнинг кейинги босқичида ривожланиш стратегиясини танлаш ва асослашни амалга ошириш имконини беради.

Анча узоқ даврда вақтинчалик қаторларни тузиш хўжалик ривожланишининг иқтисодий қонуниятларини белгилаш, ушбу корхона фаолиятига ўтмишда катта таъсир кўрсатган ва келгусида ҳам кўрсатиши мумкин бўлган омилларини аниқлаш имконини беради. Жорий даврдаги хўжалик фаолиятини таҳлил килишга алоҳида эътибор қаратилади. У бир

вақтнинг ўзида стратегик бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун прогноздан (башоратдан) ва хўжалик юритиш жорий сиёсатида режадан олдинги таҳлил ҳисобланади. Яъни, сўнгги йиллар таҳлили хулосалари жорий кузатувлар билан араласиб кетади ва умумлаштирилган қўринишида вазифаларнинг прогноз (башорат) ва режа мажмуаларидан фойдаланилади.

Тўловга лаёқатсиз корхоналар, ушбу корхоналарни инқирозга қарши бошқариш мақсадида уларни қайта ташкил этиш ва санациялаш стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни мақсадли йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, шартли равища 3.1-жадвалда қўйидаги ялпи бўлимлар (гурухлар ёки блоклар) билан намоён этиш мумкин.

6-жадвал

Тўловга лаёқатсиз корхоналар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган босқичлар ва уларнинг қисқача мазмуни²⁹

Босқичлар	Босқичнинг мазмуни
1.	Инқироз ҳолатини диагноз қилишнинг расмий тўртта коэффициенти аниқланишини назарда тутади
2.	Тўлов қобилияти (ликвидлик) кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш.
3.	Мол-мулқдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш (молиявий ва бозор барқарорлиги); банкротликни прогноз қилиш интеграл кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш.
4.	Фаол ишбилармонлик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш
5.	Фаолият рентабеллиги кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш
6.	Инвестициявий жозибадорлик уўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш

²⁹БурхановА.У. Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари// Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -Т,: 2011. -169 б.

Юқорида келтирилган инқирозга қарши бошқаришни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича тадбирларни бевосита тадқиқот объекти ҳисобланган нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятига татбиқ этиш ва амалга ошириш жаҳонда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз даврида муҳим аҳамият қасб этади. Шунингдек, ушбу тадбирларга асосланган ҳолда ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш, технологик ташкилий-иқтисодий ва молиявий жиҳатларини доимий мониторинг қилиб бориш, инқирозга қарши бошқариш жараёнини такомиллаштириш имконини яратади.

З-боб бўйича хulosалар

Иқтисодий начор корхона – кредиторларнинг товар (иш, хизмат)лар ҳақини тўлаш бўйича талабларини қондириш, шунингдек, бюджет ва нобюджет фондларига мажбурий тўловларни таъминлашга лаёқатсиз бўлган корхона. Молиявий соғломлаштириш – корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки ракобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юқдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори 1 триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равища 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

Товар диверсификацияси бу – товар стратегияси тури булиб, унга асосан корхона ишлаб чикарилаётган маҳсулотлар сонини кенгайтиради ва янги бозорларни эгаллаб олиш, кушимча фойда олиш максадида ишлаб чикаришнинг бир-бiri билан баглик булмаган икки ёки ундан ортиқ турини бир вактнинг узида кенгайтириши ва ривожлантиришидир.

Товар диверсификацияси узида ракобатчи товарлардан ажralиб турувчи киладиган бир катор асосланган товар модификациясини ишлаб чикиш жараёнини мужассамлаштиради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертация ишини ёзиш давомида қуидаги асосий хulosалар ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Молиявий соғломлаштириш - корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш. Бошқача қилиб айтганда, корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш дейилганда, корхона фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириш, уларда реструктуризациялаш жараёнларини жорий этиш, хўжалик - молиявий фаолиятини модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларининг мажмуи ҳисобланади.

2. Корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг муҳим тадбирларидан бири бу суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳисобланади. Суд санацияси - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили. Ташқи бошқарув - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили ҳисобланади.

3. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, хўжалик молиявий фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг муҳим тадбирларидан бири корхона капитали ва даромадини дисконтлаштириш ҳисобланади. Дисконтлаштириш келажакда олиниши мумкин бўлган сумманинг ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олиниши кутилаётган суммада мураккаб фоиз бўйича маълум муддатга жамланган даромадни айриш керак. Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси қийматини баҳолашда, қимматбаҳо қоғозларнинг қийматини аниқлашда, банк, суғурта, валюта амалиётида ва бошқа ҳолларда

кенг қўлланилади. Даромадни дисконтлаштириш келажакда пул тушумларини (фойда, фоизлар, дивидендлар) баҳолаш учун қўлланилади. Инвестор келгусида режалаштирилган даромад даражасидан келиб чиқсан ҳолда лойиҳага максимал миқдорда молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини тўғри баҳолаши керак акс ҳолда кутилган мақсадларга эришиш имконияти бўлмайди.

4. Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг муҳим тадбирларидан бири реструктуризациялаш ҳисобланади. Корхонани қайта таркиблаш (реструктуризациялаш) - бу табиий жараён бўлиб, корхонанинг янги шароитга мослашишга ва молиявий-иктисодий соғломлаштиришга йўналтирилган чора тадбирлар мажмуасидир. Бу жараён корхона менежментлари, мулк эгалари, ёки кредиторлар томонидан, корхонани янгилаш ва соғломлаштириш мақсадида, корхонанинг келажакда ўрнини белгиловчи мақсадларидан келиб чиқиб, олиб борилади.

5. Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш, қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш умуман самарали бошқарув тизимини жорий этишда молиявий менежмент ёки молиявий менежернинг ўрни муҳим саналади. Молиявий менежер корхонага юқори даромад келтирадиган жозибадор инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини ва усулларини аниқлаш, корхонанинг ликвидлигини самарали бошқариш, инвесторлар манфаатига мос келадиган ҳолда фойдани тақсимлаш сиёсатини танлаш орқали ўз иш берувчиси бойлигини максималлаштиришга хизмат қиласди. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнес эгаларининг бойлигини максимизацияси ва корхонанинг стратегик мақсадларига эришиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, корхона бошқарувчилари ўз олдига узоқ муддат давомида даромадликни ошириш имкониятига эга бўлган стратегик мақсадларни кўйишини талаб қиласди. Корхона учун энг муҳим ресурс пул ҳисобланади, чунки уни исталган бошқа активга айирбошлиш имконияти мавжуд. Кредитлар бўйича фоизлар ва дивидендлар ҳам пул қўринишида тўланади.

Молиявий менежер келажакда номаълум бўлган пул кирими ва чиқимларини баҳолаш ва режалаштириш билан бевосита шуғулланади. Савияси юқори менежер корхонага юқори даромадлиликни ўз билим ва кўникмалари билан таъминлаши мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, хисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Фойданилган адабиётлар руйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонулари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни //«Халқ сўзи» газетаси. 7 январ 2012 йил

3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни- Тошкент: 1995 й 21 декабр.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни- Тошкент: 1996 й 25 апрель.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни

7. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги Қонуни

8. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги қонун

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурний чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармони

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий начор корхоналарни қўллаб-куватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг қўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб

чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 20.04.2017 йилдаги ПФ-5022-сон Фармони,

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 18.04.2017 йилдаги ПФ-5019-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 31.03.2017 йилдаги ПФ-4996-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки обьектларини сотишини жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.01.2017 йилдаги ПФ-4933-сон Фармони.

15.“Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2015 йил 24 апрель.

16.“Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2015 йил 6 май.

17.“Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент фармони, 1998 йил 2 октябрь.

18.“Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент фармони, 2000 йил 21 март.

19.“Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2008 йил 18 ноябрь.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

20. Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

IV. Асосий адабиётлар

22. Алимов И.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. Тошкент:2006. 2166.

23. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003, – 256 б.

24. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.

25. Насиров Э. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари://и.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати-Тошкент:2006-Б24.

26. Юлдашев Ф.М. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини фаоллаштириш масаласи. // и.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати-Тошкент:2006-Б23

27. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. – Т.: “Консаудитинформ-Нашр” 2008

28. Толипов К., Обидов А., Раззакова С. Қимматли қоғозлар бозори саволлар ва жавобларда. – Т.: Консаудитинформ-Нашр 2010.

29. Банк ахборотномаси. №5 2014 й.

30. Жўраев Ў. Фонд бозорида тижорат банклари иштироки./Бозор, пул ва кредит. №5/2014. 6-9 бетлар. Б.6.

V. Кўшимча адабиётлар

31. Белых Л.П. Реструктуризация предприятия. Учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 511 с.
32. Кантор Е.Л, и др. Экономика предприятий. – СПб.: Питер, 2009. – 224 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

33. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2014-2016 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

34. Ўзбекистон Республикасининг 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. WWW/ stat.uz.

VII. Интернет сайatlари

35. www.mineconomy.uz (O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi)
36. http://www.nbu.uz - ЎзР ТИФ Миллий банки
37. http://www.antimon.uz - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси
38. www.mf.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)
39. www.stat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi)
40. www.ima.uz (O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi)
41. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)